

*Судьянинг онгида - адолат, тилида - ҳақиқат,  
дилида - поклик бўлиши шарт.*

*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

9/2018

ISSN 2181-8991

# ОДИЛ СУДЛОВ

Ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

**Муассис:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
*Козимджан КАМИЛОВ*  
*Баходир ДЕХҚАНОВ*  
*Холмўмин ЁДГОРОВ*  
*Бахтиёр ИСАКОВ*  
*Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ*  
*Ибрагим АЛИМОВ*  
*Нематжон АКБАРОВ*  
*Шахноза АХАТОВА*  
*Олим ХАЛМИРЗАЕВ*  
*Омонбой ОҚЮЛОВ*  
*Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ*  
*Азиз МИРЗАЕВ*

© Реклама нашри ва тижорий йўл билан босилган матнлар.

Таҳририят фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин.

Қўлёзмалар, суратлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Кўчириб босилганда «Одил судлов» — «Правосудие» нашри кўрсатилиши шарт.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сонли қарори билан докторлик диссертациялари бўйича илмий мақолалар чоп этилаётган нашрлар рўйхатига киритилган.

2017 йил 29 ноябрда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0026-рақам билан рўйхатга олинган. 1996 йилдан чиқа бошлаган.

**Бош муҳаррир**  
*Камол УБАЙДИЛЛОЕВ*

**Масъул котиб**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

*Журнал 2015 йилда «Жамият ва мен» республика танловида «Энг яхши ёритилган ҳуқуқий мавзулар» йўналиши бўйича ғолиб деб топилган.*

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**  
100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Чўпонота кўчаси, 6-уй  
Х/р 20210000300101763001  
ХАБ «Трастбанк» Тошкент филиали  
МФО 00850, СТИР 201403038  
**ТЕЛЕФОН:** 278-96-54, 278-91-96,  
278-25-96, **ФАКС:** 273-96-60  
**Email:** Os\_odilsudlov@umail.uz  
**Email:** Os\_odilsudlov@sud.uz

Босишга 2018 йил 20 сентябрда рухсат этилди. Қоғоз бичими 70X108 1/16. 7,5 босма табоқ. Офсет усулида чоп этилди. Журнал таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди. Буюртма — 18-55. Нашр адади 6850 нусха.

**Навбатчи муҳаррир**  
*Муталиф СОДИҚОВ*

**ИНДЕКС:**  
*якка тартибдаги обуначилар*  
*учун — 908;*  
*ташкilotлар учун — 909.*

**Сотувда келишилган нархда**

*«Маънавият» наشريётининг босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили:  
100047, Тошкент шаҳри, Тараққиёт  
2-берк кўчаси, 2-уй*

**ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.....4

**ДОЛЗАРЪ МАВЗУ**

**Р. Саидов.** Тўйда ҳам тартиб бўлиши керак.....34

**ҚОНУН ВА ИЖРО**

**Х. Маматов.** Давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати.....38

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН**

**Ш. Акрамов.** Жиноят ишлари юзасидан суриштирувни такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....42

**ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**

**Ш. Раззақов.** Жазо турлари ва уларни тайинлаш тартиби.....45

**Н. Раҳмонова.** Тошга айланаётган кўнгиллар.....51

**ТАДБИРҚОРЛИК ҲУҚУҚИ ВА ЖАРАЁН**

**Л. Абдуллаев.** Келишув битими – низоларни ҳал қилишнинг энг мақбул усули....55

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ**

**Н. Шамсиддинов.** Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш.....58

**СУД ҚАРОРИГА ШАРҲ**

**З. Исмагуллаев.** Ҳақиқат қарор топди.....60

**ЮРИСТ КАРТОТЕКАСИ/КАРТотека юриста.....118**

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги Фармонига асосан суд-ҳуқуқ соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган ҳамкасбларимиз ҳам муносиб тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси **Мингбаев Убайдулла Курбанович** «Фидокорона хизматлари учун» ордени, Андижон вилоят иқтисодий суди судьяси **Касимов Даврон Вахиджонович** «Шухрат» медали билан мукофотландилар.

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий суди раиси **Темирханова Бибисанем Таджибаевна**га Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2018 йил 29 августдаги Қарорига асосан «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берилди.

Биз ҳамкасбларимизни ушбу юксак мукофотлар билан чин дилдан қутлаймиз. Уларнинг келгусидаги ишларига муваффақият тилаймиз.



**Мингбаев  
Убайдулла  
Курбанович**



**Касимов  
Даврон  
Вахиджонович**



**Темирханова  
Бибисанем  
Таджибаевна**





## ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг  
ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ ВА ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК АЙРИМЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА

2018 йил 19 май

17-сонли

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилинганлиги ва уни суд амалиётида қўллаш борасида баъзи муаммоли масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

**I.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қуйидаги қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Суд ҳокимияти тўғрисида» 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли қарори:

**1-бандининг биринчи хатбошисидаги** «хўжалик» деган сўз «иқтисодий, маъмурий» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3-бандининг иккинчи хатбошиси** «ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Судьялар олий кенгаши томонидан тайинланади» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**9-банди:**

**биринчи ва иккинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тушунтирилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар), ҳарбий судлар юқори турувчи судларга фақат процессуал жиҳатдан бўйсунди.

Барча даражадаги судлар судьялари тегишли суд раислари ва раис ўринбосарларига фақат ишни ташкил этиш масалалари бўйича бўйсундилар»;

**бешинчи хатбошисидаги** «Умумий судлар судьялари» деган сўзлар «Судьялар» деган сўз билан алмаштирилсин;

**10-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ судларнинг фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томонидан амалга оширилади»;

**12-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2002 йил 4 мартдаги 103-сонли қарори:

**номидаги, муқаддимасининг иккинчи хатбошисидаги, 1-бандидаги, 15-бандининг биринчи хатбошисидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иктисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Шартномада мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки муддат талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, у ҳолда ФК 242-моддасига мувофиқ мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт»;

**ўзбек тилидаги матни 16-бандидаги** «ва Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида»ги 2/84-сонли қарорлари» деган сўзлар «қарори» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланиши ҳақида» 2003 йил 25 июлдаги 111-сонли қарори:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришда иқтисодий процессуал қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»;

**муқаддимасидаги** «Хўжалик судларининг» деган сўзлар «Иқтисодий судларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3-бандидаги, 4-бандининг учинчи хатбошисидаги, 5-бандининг биринчи хатбошисидаги, 16-бандидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалиқ суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 328-моддасининг биринчи қисмига биноан суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисида ариза фақат ишда иштирок этувчи шахслар ёки прокурор томонидан берилиши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқий ворислари (ИПК 46-моддаси), шунингдек суд жаримаси солинган шахслар (ИПК 58, 69 ва 98-моддалари) ҳам шундай ҳуқуққа эгадирлар.

Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахслар, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахлдор суд ҳужжатлари қабул қилинган тақдирда, шу асосда янги очилган ҳолатлар бўйича ариза беришга ҳақли эмас, бундай ҳолатда улар фақат шу суд ҳужжатларига нисбатан апелляция, кассация ва назорат тартибидан шикоят беришлари мумкин. Бундай шахслар янги очилган ҳолатлар бўйича ариза билан мурожаат этганида аризани қабул қилиш ИПК 291-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, ариза бўйича иш юритиш ИПК 296-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мос ҳолда тугатилади.

Иқтисодий судлар ўзлари қабул қилган суд ҳужжатларини ўз ташаббуслари билан янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриши мумкин эмас»;

**2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. ИПКнинг 324-моддасида кўрсатилганидек, суднинг ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича фақат у қонуний кучга кирганидан кейингина қайта кўрилиши мумкин. Бу қоида дарҳол ижро этиладиган суд ҳужжатларига ҳам тааллуқлидир.

Қонуний кучга кирмаган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақида ариза билан мурожаат этилганда, аризани қабул қилиш ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади, агар ариза иш юритишга қабул қилинган бўлса, ариза бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади.

Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг шундай ариза билан қайтадан мурожаат этиш, аризани умумий тартибда кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди»;

**3-бандидаги** «ХПКнинг 204-моддаси 2-қисмида» деган сўзлар «ИПКнинг 327-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-банди иккинчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 204-моддаси 2-қисми» деган сўзлар «ИПК 327-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5-банди иккинчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 55-моддасига» деган сўзлар «ИПКнинг 68-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. ИПК 327-моддасининг 2 ва 3-бандларига биноан ишда иштирок этувчи

шахснинг ёхуд унинг вакилининг ёки судьянинг жиноий ҳаракатлари, шунингдек гувоҳнинг била туриб ёлғон гувоҳлик берганлиги, экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги ва таржимоннинг била туриб нотўғри таржима қилганлиги, улар иштирокида кўрилган бошқа ишларда эмас, балки айнан ушбу ишни кўришда содир этилган бўлса, янги очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш учун асос бўлиши мумкин. Ушбу бандларда кўрсатилган ҳолатлар суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан тасдиқланган бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида белгиланган асослар бўйича шахснинг жиноят содир этилишида айбилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини кўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган тақдирда, иқтисодий суднинг ҳужжати ИПК 327-моддасининг 1-бандида назарда тутилган асос бўйича қайта кўриб чиқилиши мумкин»;

**7-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Бошқа иш бўйича иқтисодий суднинг, фуқаролик ишлари бўйича суднинг, жиноят ишлари бўйича суднинг ёки маъмурий суднинг ёхуд бошқа органнинг ҳужжати бекор қилинганлиги иқтисодий суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш учун асос бўлиши мумкин (ИПК 327-моддасининг 4-банди), башарти, агар бекор қилинган ҳужжат иқтисодий суднинг қайта кўриб чиқилаётган ҳужжатига ҳақиқатан ҳам асос қилиб олинган бўлса»;

**8-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза ушбу суд ҳужжатини қабул қилган иқтисодий судга, агар суд ҳужжати апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳамда янги суд ҳужжати қабул қилинган бўлса, ариза иқтисодий суднинг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган инстанциясига берилади. Ушбу тартиб бузилган ҳолда берилган ариза ИПК 331-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос ҳолда қайтарилади. Агар кўрсатилган ҳолат ариза иш юритишга қабул қилинганидан сўнг аниқланса, ариза бўйича иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда тугатилади.

ИПК 328-моддасининг биринчи-учинчи қисмлари, шунингдек 329-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда берилган қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза ишни кўриш жойи ва вақти кўрсатилган ажрим чиқариш йўли билан иш юритишга қабул қилинади. ИПК 328-моддасининг биринчи қисмида белгиланган ариза беришнинг бир ойлик муддати процессуал муддат бўлиб, агар ариза қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилган бўлса ва суд муддатни ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб топса, ушбу муддат тикла-ниши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш ҳақида аризани қайтариш тўғрисидаги ажримда кўрсатилиши лозим. Илтимоснома қаноатлантирилган ва ўтказиб юборилган муддатни тикланганда бу ҳақида қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

ИПК 328-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ суд ҳужжати қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил ўтгач берилган аризалар кўриб чиқилмайди. Суд ҳужжати қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган аризани қабул қилиш ИПК 314-моддасининг 2-бандига асосан рад этилади. Агар кўрсатилган ҳолат ариза иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ИПК 110-моддасининг 1-бандига мос ҳолда ариза бўйича иш юритиш тугатилади»;

**9-банди** чиқариб ташлансин;

**11-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Судлар шуни алоҳида эътиборга олиши лозимки, ИПК 326-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ҳужжати янги очилган ҳолат бўйича шу ҳужжатни қабул қилган иқтисодий суд томонидан қайта кўрилади.

Биринчи инстанция судининг суд ҳужжатини, агар у апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ўзгартирилмаган ёки янги қарор қабул қилинмаган бўлса, фақат шу суд инстанцияси қайта кўриб чиқишга ҳақли. Башарти биринчи инстанция судининг суд ҳужжатлари ўзгартирилган ёки бекор қилинган бўлса, янги очилган ҳолатлар бўйича апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг қарорлари, ажримлари ИПК 326-моддасининг иккинчи қисмига биноан суд ҳужжатини ўзгартирган ёки бекор қилган инстанция томонидан қайта кўриб чиқилади»;

**12-банди:**

**биринчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**иккинчи хатбошисидаги** «ХПК» деган сўз «ИПК» деган сўз билан алмаштирилсин;

**13-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. ИПКнинг 332-моддасига кўра, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иқтисодий суд ариза тушган кундан бошлаб бир ойлик муддатда суд мажлисида кўриб чиқади. Аризачи ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ИПКнинг 127-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади.

Судларнинг эътибори суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза билан мурожаат этган шахс аризасидан воз кечиши мумкинлигига қаратилсин.

Аризадан воз кечиш қабул қилинган тақдирда суд ИПК 110-моддасининг 6-бандига мос ҳолда ариза бўйича иш юритишни тугатади»;

**14-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. ИПКнинг 333-моддасига биноан иқтисодий суд суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб чиқиб, уни қаноатлантиради ва суд ҳужжатини бекор қилади ёки аризани қаноатлантиришни рад этади ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрим устидан умумий тартибда шикоят (протест) берилиши мумкин. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонидан чиқарилган ажрим устидан назорат шикояти берилиши мумкин.



Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича назорат инстанцияси суди томонидан чиқарилган ажрим устидан назорат тартибдаги шикоят (протест) умумий тартибда берилиши мумкин, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг ажримлари бундан мустасно»;

**15-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Шуни назарда тутиш лозимки, ИПК 333-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган тақдирда, илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилган суднинг ўзи ишни ИПКда белгиланган умумий тартибда кўради. Бундай ҳолатда ишни кўришда ИПКнинг тегишлича биринчи, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судида иш юриштишни тартибга соладиган қоидалари қўлланилади.

Янги очилган ҳолат бўйича суд ҳужжати бекор қилинган тақдирда, иқтисодий суд, имконият мавжуд бўлганда ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқларини қатъий таъминлаган, яъни уларни суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилган ҳолда, дастлабки суд қарорини бекор қилиш ҳақида ажрим чиқарилгандан сўнг бевосита шу суд мажлисида ишни мазмунан кўриб чиқишга ҳақлидир».

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда хўжалик судларининг ролини ошириш тўғрисида» 2004 йил 12 мартдаги 115-сонли қарори:

**номидаги, муқаддимасининг бешинчи – еттинчи хатбошиларидаги, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 ва 10-бандларидаги, 11-бандининг биринчи, учинчи хатбошиларидаги, 12, 13 ва 15-бандларидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3-банди:**

**иккинчи хатбошисидаги** «Хўжалик процессуал кодекси 24-моддасининг 11-бандига мувофиқ хўжалик судига» деган сўзлар «Маъмурий суд ишларини юриштиш тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасига мувофиқ маъмурий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**10-бандидаги** «4-қисмида» деган сўзлар «тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11-бандининг учинчи хатбошисидаги** «3-қисмига» деган сўзлар «учинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**14-банди** қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Иқтисодий судлар шуни эътиборга олсинларки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 330-моддасининг 2-бандига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига нисбатан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги юзасидан берила-

диган даъво аризалари бўйича, 16-бандига мувофиқ туман кишлок ва сув хўжалиги бўлимлари кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар манфаатларини кўзлаб киритиладиган даъво аризалари бўйича, 29-бандига мувофиқ Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари фермер хўжалиklarининг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилганлар».

**5.** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини хўжалик судлари томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2006 йил 27 январдаги 142-сонли қарори:

**номи** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»;

**1-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун барча юридик шахсларга (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) ва яқка тартибдаги тадбиркорларга, шунингдек агар пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиққан бўлса, тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади»;

**2-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек унинг ҳудудий органларининг (бундан буён матнда банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи деб юритилади) банкротлик ишлари юзасидан берган аризалари ва илтимосномалари Қонунда белгиланган энг қисқа муддатларда кўриб чиқиши лозим.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи, шунингдек давлат солиқ хизмати органи ва прокурорнинг қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризалари иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўловисиз иш юритишга қабул қилинади. Иқтисодий суд томонидан ариза қаноатлантирилган тақдирда давлат божи қарздордан ундирилади.

Белгиланган тартибда ва миқдорда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 155-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига асосан қайтарилади»;

**3-бандидаги, 4-бандининг учинчи хатбошисидаги, 5-бандидаги, 8-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 10-бандидаги, 11-бандининг учинчи хатбошисидаги, 12-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 13-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 13.3-бандининг биринчи, иккинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларидаги, 15-бандининг биринчи хатбошисидаги, 17-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 19-бандининг биринчи,**

иккинчи, бешинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги, 20-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 21-бандининг иккинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 22–25 ва 27-бандларидаги, 28-бандининг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги, 30 ва 32-бандларидаги, 35-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 36, 40–43-бандларидаги тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалиқ суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-бандининг учинчи хатбошисидаги** «бокимандани» деган сўз «солиқ қарзини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5-бандидаги** «умумий юрисдикция» деган сўзлар «фуқаролик ишлари бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Қонуннинг 10-моддасига кўра иқтисодий суд қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас.

Агар банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгандан кейин қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза берилгунга қадар пайдо бўлган қарзни ундириш ҳақида кредитордан иқтисодий судга даъво аризаси келиб тушган бўлса, даъво аризасини қабул қилиш ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ рад этилади.

Агар кўрсатилган ҳолатлар даъво аризаси (ариза) иш юритувга қабул қилингандан кейин аниқланса, у ҳолда даъво аризаси ИПК 107-моддасининг 9-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади»;

**7-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишда судья қарздор юридик шахснинг энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан, қарздор – якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг эса энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан кам бўлмаган миқдорда жами қарзи мавжудлигини ва бу мажбуриятлар юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида бажарилмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни текшириши зарур. Агар бундай ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, аризани қабул қилиш Қонун 45-моддасининг бешинчи қисми ва ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан рад этилади»;

**8-бандининг тўртинчи хатбошиси** «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлардан кейин «ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**9-бандидаги** «ХПК» деган сўз «ИПК» деган сўз билан алмаштирилсин;

**11-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «Олий хўжалиқ судига» деган сўзлар «Олий судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**12-бандининг биринчи хатбошиси** «якка тартибдаги тадбиркорлар» деган сўзлардан кейин «ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**13-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 152-моддаси» деган сўзлар «ИПКнинг 200-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Ўзбек тилидаги матнининг 16-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Қонун 19-моддасининг биринчи қисмига асосан банкротлик таомилини амалга оширишда суд бошқарувчиси томонидан иқтисодий судга бериладиган даъво аризалари ва аризалар олдиндан давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланмасдан қабул қилинади»;

**20-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 82 ва 83-моддаларида» деган сўзлар «ИПКнинг 101 ва 102-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**21-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 22 ва 26-бандларидаги** «ХПК» деган сўз «ИПК» деган сўз билан алмаштирилсин;

**21-банди учинчи хатбошисининг учинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

**23-банди** «сохта банкротлик аниқланганда» деган сўзлардан кейин «ва Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**24-бандининг учинчи хатбошисидаги** «ХПК 86-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 110-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**29-бандининг биринчи хатбошиси** «қарздорга нисбатан қузатув ва (ёки) суд санацияси жорий қилинганидан кейин вужудга келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**34-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Шаҳарни ташкил этувчи ва уларга тенглаштирилган корхоналарни банкрот деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 апрелдаги 107-сонли қарори билан тасдиқланган «Корхоналарни шаҳарни ташкил этувчи корхоналар ва уларга тенглаштирилган корхоналар жумласига киритиш тартиби тўғрисида»ги Низомга риоя қилишлари лозим»;

**35-банди:**

**учинчи хатбошиси** «якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки» деган сўзлардан кейин «якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг ёхуд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи хатбошисидаги** «суд ижрочисининг» деган сўзлар «давлат ижрочисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**37-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Қарздор - якка тартибдаги тадбиркор ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахс кредиторларининг барча талаблари тўлиқ қаноатлантирилгандан ва ҳисоб-китоблар тугагандан кейин иқтисодий суд тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради.

Қарздор – якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг барча кредиторлар талабларини қаноатлантириш учун мол-мулки етарли бўлмаган ҳолларда, давлат ижрочиси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 37 ва 39-моддаларида белгиланган қоидаларга мувофиқ ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ижро варақасини иқтисодий судга қайтаради. Иқтисодий суд ижро варақасини қайтариш ҳақидаги ҳужжатларни кўриб чиққандан кейин тугатишга доир иш

юритиш тамомланганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

Агар Қонун 181-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ тугатиш бошқарувчиси тайинланган бўлса, у ҳолда тугатишга доир иш юритиш Қонуннинг 142 ва 144-моддаларида белгиланган қоидалар бўйича тамомланади;

**38-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги жумла билан тўлдирилсин:

«Акс ҳолда қарздорнинг мол-мулкани банкка ўтказиш ҳақидаги банкнинг аризасини қаноатлантириш рад этилади»;

**39-банди** «якка тартибдаги тадбиркорнинг» деган сўзлардан кейин «якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахснинг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**41-бандидаги** «ХПК 128-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 168-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида» 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори:

**номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида»;

**ўзбек тилидаги матни муқаддимасидаги** «Хўжалик судлари», «хўжалик процессуал» деган сўзлар тегишинча «Иқтисодий судлар», «иқтисодий процессуал» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Иқтисодий судларнинг (бундан буён матнда судлар деб юритилади) эътибори қарорнинг одил судловнинг конституциявий асосларини амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинадиган ҳужжат сифатида қонуний ва асослантилган бўлиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 18-боби талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этилиши шарт эканлигига қаратилсин.

Суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкин.

Суд томонидан ИПКнинг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмас»;

**2-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 12-моддаси» деган сўзлар «ИПКнинг 13-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3-банди:**

**иккинчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 56–62-моддалари» деган сўзлар «ИПКнинг 69–75-моддалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси «экспертларнинг хулосалари,» деган сўзлардан кейин «мутахассисларнинг маслаҳати (тушунтириши),» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**5-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 138-моддасида» деган сўзлар «ИПКнинг 179-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошисидаги** «шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**6-бандидаги** «ХПКнинг 41 ва 42-моддаларига» деган сўзлар «ИПКнинг 47 ва 48-моддаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8-банди:**

**иккинчи хатбошисидаги** «ХПК» деган сўз «ИПК» деган сўз билан алмаштирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 140-моддасида» деган сўзлар «ИПКнинг 182-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарор у қонуний кучга киргандан кейин ижро қилинади»;

**10-бандидаги** «ХПКнинг 217-моддасида» деган сўзлар «ИПКнинг 342-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Суд томонидан қабул қилинган қарор судья томонидан ёзма равишда баён қилиниши ҳамда қўлда ёзилиши ёки машинкада, компьютерда ёхуд бошқа электрон ускунада терилган бўлиши мумкинлиги инобатга олинishi лозим. Қарор судья томонидан имзоланади ва шундан кейин иш муҳокамаси тугаган мазкур мажлисда ишда иштирок этувчи шахсларга эълон қилинади. Ушбу тартибга риоя қилиш қарорнинг фақат хулоса қисми эълон қилинган ҳолатда ҳам мажбурийдир. Айни вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган қарор билан қачон танишишлари мумкинлигини эълон қилади. Қонун ҳужжатларида ёзма шаклда тузилиши белгиланган бўлиб, оғзаки эълон қилинган хулоса ёки ёзма шаклда тузилган бўлиб, судьянинг имзоси мавжуд бўлмаган хулоса қарор ҳисобланмайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар ва иқтисодий судлов иш юритуви бошқа иштирокчиларининг тушунтиришлари қарорда учинчи шахс номидан келтирилади.

Қарорнинг қабул қилинган санаси у суд мажлисида эълон қилинган кун ҳисобланади»;

**12-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Қарор суд таркиби ўзгармаган ҳолда, иқтисодий суд иш юритуви ва суд муҳокамаси тамойилларига қатъий риоя этилган шартларда қабул қилинади.

Қарор фақат суд муҳокамасида қатнашган судья томонидан қабул қилиниши мумкин. Ишни кўриш жараёнида судьяни алмаштириш зарурати туғилганда суд муҳокамаси бошидан бошланади.

Ишни кўришда қатнашган судья томонидан имзоланмаган ёки ишни кўришда қатнашмаган судья томонидан имзоланган қарор бекор қилиниши лозим»;

**13-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** «ХПК 149-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 189-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбошисидаги** «ХПК» деган сўз «ИПК» деган сўз билан алмаштирилсин;

**14-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 150-моддасига» деган сўзлар «ИПКнинг 190-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**16-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Ушбу Пленум қарорининг тушунтиришлари нафақат биринчи инстанция суди томонидан қарор қабул қилишда, балки ИПКнинг 34, 35 ва 36-бобларида назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда апелляция, кассация ёки назорат шикоят (протести)ни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилишда ҳам мажбурий ҳисобланади. Бунда фақат муайян суд инстанцияси учун белгиланган талаб айнан шу инстанцияда қўлланилади».

7. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2007 йил 15 июндаги 163-сонли қарори **муқаддимасидаги, 1-бандидаги** ва **6-бандининг биринчи хатбошисидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судининг хусусий ажрими тўғрисида» 2007 йил 28 декабрдаги 172-сонли қарори:

**номидаги, 1-бандининг биринчи хатбошисидаги, 2-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 4-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 6-бандининг учинчи хатбошисидаги, 6.2-бандининг биринчи хатбошисидаги, ўзбек тилидаги матнининг 7-бандидаги, 8-8.1-бандларидаги, 8.2-бандининг иккинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 8.3-бандидаги, 8.4-бандининг учинчи хатбошисидаги, 8.5-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 8.6-бандининг биринчи хатбошисидаги, 8.10-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 8.11, 8.12, 8.13, 8.14 ва 9-бандларидаги, 10-бандининг биринчи хатбошисидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**муқаддимасидаги** «Хўжалик судлари» деган сўзлар «Иқтисодий судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-бандининг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ХПК деб юритилади) 3-моддасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 2-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ИПК 200-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иқтисодий суд низони кўриш вақтида давлат органининг ёки бошқа органининг, юридик шахсининг, мансабдор шахсининг ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир»;

**4-банди биринчи хатбошисининг биринчи кичик хатбошиси** қуйидаги

тахрирда баён этилсин:

«- иқтисодий низоларни кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгагиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабар бериш»;

**5-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ИПК 15-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иқтисодий суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, суд буйруғи шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади. Судлар хусусий ажрим ажримларнинг турларидан бири ҳисобланиши ҳамда унга ушбу модда биринчи қисмининг суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа органлар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги ҳақидаги қоида татбиқ этилишини инобатга олишлари лозим»;

**8.6-бандининг биринчи хатбошисидаги, 8.10-бандининг биринчи хатбошисидаги, 8.11-бандидаги, 10-бандининг биринчи хатбошисидаги ва 10.1-бандидаги** «ХПК» деган сўз «ИПК» деган сўз билан алмаштирилсин;

**9-бандидаги** «ХПК 152-моддасининг тўртинчи қисмига» деган сўзлар «ИПК 200-моддасининг бешинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10.2-бандидаги** «ХПКнинг 152-моддаси» деган сўзлар «ИПКнинг 200-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10.3-бандидаги** «ХПКнинг 151-моддаси» деган сўзлар «ИПКнинг 195 ва 196-моддалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида» 2007 йил 28 декабрдаги 174-сонли қарори:

**номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сифати тегишли даражада бўлмаган маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш бўйича суд амалиёти тўғрисида»;

**1-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Сифати тегишли даражада бўлмаган маҳсулот (товар)ларни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда иқтисодий судлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади), «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатларини қўллаши лозим»;

**9-банди:**

**биринчи хатбошисининг биринчи кичик хатбошисидаги** «ХПКнинг 114-моддасида» деган сўзлар «ИПКнинг 151-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисининг ўнинчи кичик хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:



«- олувчи – корхона жамоатчилиги вакилига ёки бошқа корхона вакилига берилган гувоҳнома Ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотлар ва халқ истеъмоли товарларини сифати бўйича қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага мос ҳолда берилган бўлиб, агар у маҳсулот (товар)ларни қабул қилиб олишда қатнашган ва шартнома шартларига кўра маҳсулот (товар)ни қабул қилиб олиш ҳам мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлса»;

**Ўзбек тилидаги матни 11-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 17-бандидаги** «хўжалик суди», «хўжалик судининг» деган сўзлар тегишинча «иқтисодий суд», «иқтисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Товарларни танлаб олмаслик билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг айрим масалалари тўғрисида» 2007 йил 28 декабрдаги 175-сонли қарори **1-бандидаги** ва **6-бандининг биринчи хатбошисидаги** «хўжалик судлари» деган сўзлар «иқтисодий судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарори:

**номидаги, 1-бандининг биринчи хатбошисидаги, 2-3, 4.2-бандларидаги, 4.3-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 5-банднинг биринчи хатбошисидаги, 6, 7.4, 7.5-бандларидаги, 8-бандининг учинчи хатбошисидаги, 11-бандининг учинчи хатбошисидаги, 12.3-бандидаги, 21.2-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 21.4-бандидаги, 22-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 24-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 25-бандидаги, 26.1-бандининг биринчи хатбошисидаги, 26.6-бандининг биринчи хатбошисидаги, 28-бандидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**муқаддимасидаги** «хўжалик судлари» деган сўзлар «иқтисодий судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (бундан буён матнда ХПК деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

### **2-банди:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ИПК 311-моддасининг бешинчи қисмига кўра, назорат шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ҳамда почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши керак»;

**иккинчи хатбошиси** тегишинча **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шунингдек, давлат божи даъво миқдорини кўпайтириш, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризалардан ва иқтисодий судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхала-

рини берганлик учун ҳам ундирилади»;

**4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. ИПК 149-моддаси иккинчи қисмининг 3-бандига мувофиқ, агар даъво баҳоланиши лозим бўлса, даъво аризасида даъвонинг баҳоси кўрсатилиши керак. Даъво баҳосининг кўрсатилиши давлат божи тўғри тўланганлигини текшириш учун зарур, чунки белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланмаганда, иқтисодий суд ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига мувофиқ даъво аризасини қайтаради, давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилган ҳоллар бундан мустасно»;

**4.3-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** «ХПК 115-моддасининг биринчи қисмига» деган сўзлар «ИПК 149-моддасининг бешинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** «ХПКнинг 33-моддасига» деган сўзлар «ИПКнинг 39-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4.4-бандидаги** «ХПК 92-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 114-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4.5-бандидаги** «ХПК 37-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 44-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4.6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4.6. Агар апелляция, кассация ва назорат шикоятлари берилганда суд ҳужжатининг фақат ундириш ёки ундиришни рад этиш қисми шикоят қилинаётган бўлса, давлат божи низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисобланади.

Суд ҳужжатининг фақатгина давлат божига оид қисми шикоят қилинган тақдирда, давлат божи тўланмайди. Бунда судларнинг эътибори апелляция, кассация ёки назорат шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича низолашилаётган суд ҳужжатининг давлат божидан ташқари қисми ўзгартирилган ёки бекор қилинганда, давлат божини ундириш масаласи ИПКда назарда тутилган умумий тартибда ҳал қилинишига қаратилсин»;

**4.7-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ХПК 106-моддасига» деган сўзлар «ИПКнинг 139-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-бандидаги** «(ХПК 120-моддасининг иккинчи қисми)» деган сўзлар «(ИПКнинг 160-моддаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Қонунда белгиланган ҳолларда ва асосларда иқтисодий суд даъвогарнинг аризасига кўра, унинг мулкӣ аҳволига қараб, давлат божини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли. Жумладан, СК 337-моддасининг йигирма олтинчи қисмига кўра, пул маблағлари мавжуд бўлмаган, бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра, давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Шуни назарда тутиш керакки, иқтисодий суд ушбу шахслар апелляция, кассация ёки назорат

шикояти билан мурожаат қилганда ҳам давлат божини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат беришга ҳақли»;

**7.1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7.1. Давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш учун рухсат бериш манфаатдор тарафнинг ёзма илтимосномаси бўйича амалга оширилади. Илтимоснома даъво аризасида (аризада), апелляция, кассация ёки назорат шикоятда ёхуд алоҳида аризада баён этилиши мумкин.

Даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикояти билан мурожаат қилингунга қадар давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги илтимоснома иқтисодий суд томонидан қабул қилинмайди.

Илтимосномада даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикоятини беришда манфаатдор тарафнинг мулкӣ аҳволи давлат божини белгиланган тартибда тўлаш имкониятини бермаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш асослари келтирилиши лозим»;

**7.3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7.3. Илтимосномани қаноатлантириш ҳақида даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикоятини қабул қилиш тўғрисидаги ажримда, илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади. Ажримда илтимосномани қаноатлантириш ёхуд уни қаноатлантиришни рад этиш асослари кўрсатилиши керак.

Илтимосномани қаноатлантириш рад этилиши муносабати билан даъво аризаси (ариза), апелляция ёки кассация шикоятини қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан умумий асосларда шикоят қилиниши мумкин. Бундай шикоятлар учун давлат божи тўланмайди»;

**8-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «апелляция ва кассация» деган сўзлар «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. СКнинг 327-моддасига мувофиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) ҳужжатлар берилиши хусусида ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилардир. Шундан келиб чиқиб, судлар шуни назарда тутишлари лозимки, давлат божи ишда иштирок этмаётган шахс томонидан тўланиши мумкин эмас. Агар давлат божи даъвогар (аризачи), апелляция, кассация ёки назорат шикояти берувчи шахс ўрнига бошқа шахс томонидан тўланган бўлса (корхона учун унинг раҳбари ёки таъсисчиси томонидан давлат божи тўланган ҳоллар бундан мустасно), давлат божи ҳақиқатда тўланмаганлигидан келиб чиққан ҳолда, даъво аризаси (ариза), апелляция, кассация ёки назорат шикояти тегишинча ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 6-банди, 269-моддаси биринчи қисмининг 3-банди, 292-моддаси биринчи қисмининг 4-банди ва 313-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қайтариллиши лозим»;

**11-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «апелляция ёки кассация» деган сўзлар

«апелляция, кассация ёки назорат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**12.2-бандининг биринчи хатбошисидаги** «апелляция ва кассация» деган сўзлар «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**13-бандидаги** «ХПКнинг 93-моддасида» деган сўзлар «ИПКнинг 115-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**14-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Шуни инобатга олиш керакки, умумий қоида бўйича ишни кўриш иш юриштишни тугатиш тўғрисидаги ажрим чиқариш билан яқунланганида давлат божи қайтарилмайди, тўланмаган давлат божи эса даъвогардан ундирилади, агар у давлат божи тўлашдан озод қилинмаган бўлса. Шу билан бирга, СК 342-моддаси биринчи қисмининг 4, 6, 7 ва 9-бандларига мувофиқ давлат божи қуйидаги ҳолларда қайтарилиши керак:

иш судга тааллуқли бўлмаганлиги муносабати билан иш юритиш тугатилганда; ишда қатнашган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилганда;

ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш ташкилот тугатилган ҳолларда»;

**15-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Иқтисодий судлар шуни назарда тутишлари керакки, ишни кўриш даъво (аризани) кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни чиқариш билан яқунланганида давлат божи қайтарилмайди, тўланмаган давлат божи эса даъвогардан ундирилади, агар у давлат божи тўлашдан озод қилинмаган бўлса.

Дастлабки даъво (ариза) кўрмасдан қолдирилгандан кейин даъво аризаси (ариза) билан иқтисодий судга қайтадан мурожаат қилинганда давлат божи умумий асосларда янгидан тўланади»;

**16-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Апелляция, кассация ёки назорат шикоятлари қайтарилганда ҳамда уларни қабул қилиш рад этилганда тўланган давлат божи қайтарилади. Апелляция, кассация ёки назорат шикоятдан воз кечилган ва шикоятдан воз кечиш суд томонидан қабул қилинган ҳолда, тегишли суд инстанцияси шикоят бўйича иш юритишни тугатади ва тўланган давлат божи қайтарилмайди, тўланмаган давлат божи эса шикоят берган шахсдан ундирилади»;

**17-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Неустойка миқдори иқтисодий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддасига асосан қамайтирилганда, даъвогарнинг давлат божи бўйича харажатлари, неустойкани қамайтирмасдан ундирилиши лозим бўлган суммадан келиб чиққан ҳолда жавобгар томонидан қопланади, агар даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига ундирилади»;

**18-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. СК 337-моддасининг тўққизинчи қисмига кўра, даъво суммаси

кўпайтирилган тақдирда, давлат божининг етишмаётган суммаси давронинг кўпайтирилган суммасига мувофиқ ундирилади. Шу боис, даъво суммасини кўпайтириш тўғрисидаги аризага белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат илова қилинади. Ушбу қоида давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органи ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан манфаатида тақдим этилган даъвогар томонидан даъво талабининг миқдори кўпайтирилганда ҳам қўлланилади»;

**20-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. ИПК 115-моддасининг учинчи қисмига кўра, давлат божи тўланган, лекин иқтисодий судга келиб тушмаган ёки у қайтарган ёхуд қабул қилиш рад этилган аризалар, апелляция, кассация ёки назорат шикоятлари бўйича ҳамда божини тўлиқ ёки қисман қайтаришни назарда тутувчи суд хужжатлари бўйича уни қайтариш суд томонидан берилган маълумотнома асосида амалга оширилади»;

**21-бандидаги** «ХПК 95-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 118-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**21.3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21.3. ИПК 118-моддасининг тўртинчи қисмида, агар иш ишда иштирок этувчи шахс томонидан шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибини бузиш (талабномани жавобсиз қолдириш, талаб қилинган хужжатларни жўнатмаслик) оқибатида келиб чиққан бўлса, иқтисодий суд ишнинг натижасидан қатъи назар, давлат божи бўйича суд харажатларини шу шахсга юклашга ҳақлилиги назарда тутилган»;

**Ўзбек тилидаги матни 22-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ХПК 138-моддасининг тўққизинчи қисмига» деган сўзлар «ИПК 179-моддасининг саккизинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**24-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ХПК» деган сўз «ИПК» деган сўз билан алмаштирилсин;

**25-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «апелляция ва кассация» деган сўзлар «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**26-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Давлат божини тўлашдан озод қилиш асослари СКнинг 330-моддаси ва бошқа қонун хужжатлари билан белгиланган. Бунда шуни назарда тутиш керакки, давлат божини тўлашдан озод қилиш деганда тўлиқ озод қилиш ёхуд иқтисодий судга даъво аризаси (ариза) берганда давлат божини тўлашдан озод қилиш тушунилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолияти доирасида судга мурожаат қилишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари 2-бандининг «а» – «г» ва «е» кичик бандларида белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўлайди. Бунда кичик бизнес субъектларининг мақоми даъво аризасига илова қилинадиган иқтисодий судга мурожаат қилинган санадан кўпи билан ўттиз кун олдинги сана қайд этилган статистика орга-

нининг ёки давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси билан тасдиқланиши лозим, якка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно.

Агар иқтисодий судга мурожаат қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти томонидан белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланган бўлиб, даъво талаблари қаноатлантирилганда ишни кўриш натижаси бўйича жавобгардан ундириладиган давлат божининг миқдори даъвогар томонидан тўлаб чиқилган сумма билан чегараланади. Даъво рад этилган тақдирда, давлат божи даъвогардан қўшимча равишда ундирилмайди.

Агар иқтисодий суд мурожаат қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига давлат божи тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилган бўлса, давлат божи ишни кўриш натижаси бўйича тегишли тарафдан белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ИПК 118-моддасининг биринчи қисмида белгиланган тартибда ундирилади.

Ушбу ишлар бўйича апелляция, кассация ва назорат шикоятлари учун биринчи инстанция судига тўланган (ундирилган) давлат божининг 50 фоизи миқдорида бож тўланади»;

**26.1-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ХПК 91-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 91-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**26.2** ва **26.3-бандлар** чиқариб ташлансин;

**26.4-бандидаги** «апелляция ва кассация» деган сўзлар «апелляция, кассация ва назорат» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**26.5-банди** чиқариб ташлансин;

**29-бандининг:**

**биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, агар ушбу шахс давлат божи тўловидан озод этилмаган бўлса, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантириш рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади»;

**учинчи хатбошисидаги** «апелляция ёки кассация» деган сўзлар «апелляция, кассация ёки назорат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар ҳақида» 2009 йил 10 апрелдаги 06/196-сонли қарори:

**номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида»;

**2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддаси, Фуқаролик

процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 16-моддаси, Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда МСИЮтК деб юритилади) 16-моддасига мувофиқ суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Суд ҳужжати ижрога қаратилишининг муҳим шarti унинг қонуний кучга кириши ҳисобланади.

Бинобарин, суд ҳужжати қонуний кучга кирган ва шу асосда ижро варақаси берилгандан сўнг келиб тушган апелляция шикоят (протести)нинг шикоят бериш муддати тикланиб, у иш юритувга қабул қилинса, суднинг муддатни тиклаш ва апелляция шикоят (протест)ини қабул қилиш ҳақидаги ажримда суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиш масаласи ҳам ФПК 409-моддасининг 3-банди, ИПКнинг 271-моддаси, МСИЮтКнинг 212-моддаси қоидаларига мос ҳолда ҳал қилиниши лозим»;

**4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) суд ҳужжатини ижрога қаратишнинг умумий тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра ижро варақаси, одатда, ундирувчига берилиши лозим.

ФПКнинг 448-моддасига мувофиқ ижро варақаси суд ҳужжати қонуний кучга киргандан сўнг ундирувчига берилади.

Суд айрим фуқаролик ишлари юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори бўйича ижро варақасини ундирувчининг илтимосига асосан ижро қилиш учун бевосита ижро органига юбориши мумкин.

ИПК 336-моддасининг бешинчи қисмига ва МСИЮтК 278-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ ижро варақаси ундирувчига берилади ёки унинг илтимосномасига кўра, давлат ижрочисига ижро этиш учун юборилади.

ФПК 449-моддасининг иккинчи қисмига, ИПК 336-моддасининг олтинчи қисмига ва МСИЮтК 278-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ суд қарорларининг давлат даромадига (бюджетга) маблағлар ундириладиган тўловлар юзасидан берилган ижро ҳужжатлари суд томонидан бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси бўлимларига юборилади.

Ижро варақаси (суд буйруғи) судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат тарзида ахборот тизими орқали ундирувчига ва давлат ижрочисига юборилиши мумкин»;

**5-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ФПК 374-моддаси ва ХПК 216-моддаси» деган сўзлар «ФПКнинг 450-моддаси ва ИПКнинг 341-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5.1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5.1. Судларга тушунтирилсинки, йўқотилган ижро иши юритилиши суд томо-

нидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг, ижро иши юритилиши тарафларининг, давлат ижрочисининг, прокурорнинг, шунингдек ижро хужжати берган суд ёки бошқа органнинг ташаббусига биноан тикланиши мумкин. Судлар бу ҳақдаги аризани Қонуннинг 43-моддаси, ФПКнинг 462-моддаси ва ИПКнинг 30-бобида белгиланган қоидалари асосида кўриб чиқадилар»;

### **6-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** «(ФПК 375-моддаси, ХПК 212-моддаси)» деган сўзлар «(ИПКнинг 337-моддаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** «Жавобгарни» деган сўз «Фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан жавобгарни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ФПКнинг 379-моддаси ва ХПКнинг 215-моддасида» деган сўзлар «ФПКнинг 453-моддаси ва ИПКнинг 340-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7-бандининг учинчи хатбошисидаги, 8-бандининг учинчи хатбошисидаги, 12-бандининг учинчи хатбошисидаги, 19-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8-бандининг биринчи хатбошисидаги, 9-бандининг биринчи хатбошисидаги, 10-бандидаги, 11-бандининг олтинчи хатбошисидаги, 12-бандининг биринчи хатбошисидаги, 14-бандининг биринчи хатбошисидаги, 18-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 19-бандидаги, 21-бандининг иккинчи хатбошисидаги ва 23-бандидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «суд ижрочиси» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**8-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ФПК 215-моддаси ҳамда ХПК 150-моддасида» деган сўзлар «ФПКнинг 263-моддаси ҳамда ИПКнинг 190-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ФПК 216-моддаси, ИПК 217-моддасига» деган сўзлар «ФПКнинг 454-моддаси, ИПКнинг 342-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**10-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ижрочисининг ҳар қандай ижро хужжатини қайтариб юбориш ҳақидаги қарори устидан МСИЮтКда белгиланган тартибда маъмурий судга шикоят берилиши мумкин»;

### **11-банди:**

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги ариза, у келиб тушган кундан бошлаб фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан ўн кунлик, иқтисодий суд томонидан эса йигирма кунлик муддат ичида тарафлар чақиртирилмасдан ва суд муҳокамаси ўтказилмасдан кўриб чиқилади»;

**бешинчи хатбошисидаги** «ХПКда» деган сўз «ИПКда» деган сўз билан алмаштирилсин;

**13-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. ФПКнинг 432-моддаси, МСИЮтКнинг 258-моддаси ҳамда ИПКнинг



316-моддасига кўра, Олий суд судьяси назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақидаги масала тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда низолашилаётган суд ҳужжатининг ижросини шикоятни берган шахснинг илтимосномасига кўра назорат тартибида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб қўйишга ҳақли. Бу ҳуқуқдан фойдаланилган тақдирда, судья суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ҳақида назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримда кўрсатади. Агар суд ҳужжати ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимоснома назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажрим чиқарилганидан кейин тақдим қилинганда ва бундай илтимоснома қаноатлантирилганда, бу ҳақида алоҳида ажрим чиқарилади»;

**17-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Қонуннинг 88-моддасига кўра, давлат ижрочисининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Давлат ижрочисининг қонуний кучга кирган суд ҳужжатининг ижроси бўйича чора кўрмаганлиги ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларни содир этганлиги судга бериладиган шикоятнинг объекти бўлиши мумкин.

Давлат ижрочисининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш МСИЮтКда назарда тутилган талабларга риоя қилинган ҳолда ариза (шикоят) бериш йўли билан амалга оширилади. Ушбу аризалар (шикоятлар) МСИЮтКда белгиланган тартибда, ушбу Кодекснинг 23-бобида назарда тутилган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади»;

**18-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** «ФПК ва ХПКнинг 40-моддалари» деган сўзлар «ФПКнинг 166-моддаси ва ИПКнинг 131-моддаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** «умумий юрисдикция судлари» деган сўзлар «фуқаролик ишлари бўйича суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**22-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Қонуннинг 81-моддасига мувофиқ ижро ҳужжати топширилган банк ёки бошқа кредит ташкилоти пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун уларга иқтисодий суд томонидан ундирилиши лозим бўлган сумманинг эллик фоизгача миқдорда жарима солинади.

Банк ёки бошқа кредит ташкилотларига нисбатан жарима қўллаш ҳақида иқтисодий судга берилган ариза суд томонидан ИПКда белгиланган умумий қоидалар бўйича, ушбу Кодекснинг 27-бобида белгиланган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда кўрилиши лозим. Бундай ариза давлат ижрочиси томонидан ҳам, ундирувчи (тадбиркорлик субъекти) томонидан ҳам берилиши мумкин»;

**23-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «умумий юрисдикция судлари» деган сўзлар «фуқаролик ишлари бўйича судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**24-бандидаги** «Умумий юрисдикция ва хўжалик судларига» деган сўзлар «Судларга» деган сўз билан алмаштирилсин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилишни тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2009 йил 18 декабрдаги 203-сонли қарори:

**муқаддимасидаги** «Хўжалик судлари» деган сўзлар «Иқтисодий судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1 ва 11-бандларидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-бандидаги** «Хўжалик процессуал кодекси (бундан буён матнда ХПК деб юритилади)» деган сўзлар «Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**11-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ХПК 24-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 26-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**14-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судларга тушунтирилсинки, шартнома тузишга мажбур этиш тўғрисида даъво аризаси тақдим қилинган ҳолда, агар шартнома тузиш тарафлар учун мажбурий бўлмаса, суд бундай талабни қаноатлантиришни рад этади»;

**19-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Мазкур тоифадаги низоларни ҳал этишда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ИПК 148-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қонунда айрим тоифадаги низолар учун уларни судгача ҳал қилиш тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тutilган бўлса, низо мазкур тартибга риоя этилганидан сўнггина судга кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин. Шу сабабли бундай тоифадаги низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилмаганлиги ИПК 107-моддасининг 5-бандига мувофиқ даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос ҳисобланади».

**14.** Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Келишув битимини тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларининг қўлланилиши ҳақида» 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарори:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иқтисодий судлар томонидан келишув битимини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида»;

**муқаддимасидаги** «Хўжалик судлари», «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси» деган сўзлар тегишинча «Иқтисодий судлар», «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Иқтисодий судларнинг (бундан буён матнда судлар деб юритилади) эътибори иқтисодий суд иш юритуви иштирокчилари томонидан келишув битимини тузиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини

ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинишига қаратилсин»;

### **4-банди:**

**биринчи хатбошисидаги** «ХПК 122-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига» деган сўзлар «ИПК 163-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи хатбошисидаги** «ХПК 40, 41 ва 122-моддаларининг» деган сўзлар «ИПКнинг 16-боби» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-бандидаги** «ХПК» деган сўз «ИПК» деган сўз билан алмаштирилсин;

**8-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ХПК 44-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 50-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. ИПК 132-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ келишув битими ёзма шаклда расмийлаштирилади ва тарафлар ёки келишув битимини тузиш ваколати махсус назарда тутилган ИПК 63-моддасининг талабларига мувофиқ берилган ишончнома мавжуд бўлган ҳолда, уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Бундай ишончнома келишув битимига илова қилиниши ва иш ҳужжатларига қўшиб қўйилиши лозим»;

**11-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Судлар инобатга олишлари лозимки, келишув битимининг мазмуни ИПКнинг 132-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши ва унинг шартлари аниқ, равшан баён қилиниши ва унинг ижро этилишида келишув битимининг мазмуни бўйича ҳар хил талқин қилинишига ва келгусида низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайдиган бўлиши керак.

Келишув битими тарафларнинг бир-бири олдидаги ўзаро мажбуриятларининг шартлари, миқдори ва бажариш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим»;

**13-бандидаги** «ХПК 40-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 134-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**15-бандидаги** «(ХПК 86-моддасининг 7-банди ва 132-моддаси)» деган сўзлар «(ИПК 110-моддасининг 7-банди ва 133-моддаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**17-бандидаги** «ХПК 95-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 118-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**18-бандидаги** «ХПКда» деган сўз «ИПКда» деган сўз билан алмаштирилсин;

**19-бандининг биринчи хатбошисидаги** «ХПК 60-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 173-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**21-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Ижро варақасини бериш масаласи суд томонидан тарафлар чакирилмасдан ИПКнинг V бўлими қоидалари бўйича кўрилади. Зарурат туғилганда суд ижро варақаси бериш масаласини суд мажлисида кўриб чиқишга ҳақли.

Ижро варақасининг мазмуни ИПКнинг 337-моддаси талабларига жавоб бериши керак ва у ИПК 338-моддасининг биринчи қисмида белгиланган муддат ичида ижрога тақдим этилиши лозим»;

**23-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «суд ижрочиси» деган сўзлар «давлат ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15.** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 18 июндаги 210-сонли қарори:

**номидаги, 1-бандининг биринчи хатбошисидаги, 1.2 ва 3-бандларидаги, рус тилидаги матни 5-бандининг биринчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, ўзбек тилидаги матни 5-бандининг биринчи, бешинчи, еттинчи хатбошиларидаги, 6-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 9, 9.1 ва 9.2-бандларидаги, 11-бандининг биринчи хатбошисидаги, 15 ва 18-бандларидаги, 21-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 24-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 33, 36, 37.1 ва 37.3-бандларидаги, 38.1-бандининг биринчи хатбошисидаги, 40.3 ва 41-бандларидаги, 42-бандининг биринчи хатбошисидаги, 42.1, 43 ва 44-бандларидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иктисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**муқаддимасидаги** «хўжалик судлари» деган сўзлар «иктисодий судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1.1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1.1. Юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқароларнинг ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларнинг (бундан буён матнда солиқ тўловчилар деб юритилади) солиқ мажбуриятларини бажармаганлиги билан боғлиқ, шу жумладан, солиққа оид ҳуқуқбузарликлари учун уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллашга оид ишларни кўришда солиқ тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Солиқ кодексида белгиланган қоидаларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, Солиқ кодекси 2-моддасининг учинчи қисми ва «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 16-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ Солиқ кодексида белгиланган қоидалар қўлланилади»;

**3-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (бундан буён матнда ХПК деб юритилади) 40-моддасининг тўртинчи қисмига» деган сўзлар «иктисодий суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 157-моддасининг учинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-бандининг биринчи хатбошисидаги** «хамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**8-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Солиқ қарзини солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар инобатга олишлари лозимки, Солиқ кодекси 54-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ инсофли солиқ тўловчиларга солиқ таътилларини бериш, шунингдек солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилиши мумкин. Бунда солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг жамига ёки унинг бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин»;

**Ўзбек тилидаги матни 10-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Солиқ кодекси 69-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари, божхона органлари ҳамда зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифаси юклатилган бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотлари бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар ҳисобини юритиши керак. Шу муносабат билан солиқ тўловчилар томонидан ортиқча тўланган ёки асоссиз ундирилган пул маблағларини (солиқлар, мажбурий тўловлар, жарималар, пенялар) ваколатли органлардан ундириш тўғрисида даъволар берилганда иқтисодий судлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, унинг ҳузуридаги бюджетдан ташқари жамғармалар ва (ёки) уларнинг ҳудудий органларини ҳамда бошқа ваколатли ташкилотларни ИПКнинг 48-моддасига мувофиқ низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида жавобгар тарафидан ишда иштирок этишга жалб қилиши керак»;

**12-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар давлат солиқ хизмати органи низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига рия этганлигига эътибор қаратишлари лозим. Қайд этилган тартибга рия этилмаган ҳолда берилган даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига мувофиқ қайтарилиши, ушбу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ИПК 107-моддасининг 5-бандига мувофиқ даъво кўрмасдан қолдирилиши лозим»;

**12.1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12.1. Солиқ кодекси 60-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига бу талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва талабнома олинган санани тасдиқловчи усулда топширилиши лозим. Солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлган тақдирда, солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома унга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилиши мумкин. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда, у буюртма хат почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида кўрсатилган санада олинган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчи юридик шахснинг филиали ёки ваколатхонаси бўлса, талабнома филиал ёки ваколатхонага юборилиши мумкин»;

**13-бандининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органининг солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш чораларини кўрмасдан, ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш ҳақида берилган даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 9-бандига мувофиқ қайтарилади, ушбу ҳолат даъво аризаси иш

юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ИПК 107-моддасининг 4-бандига мувофиқ даъво кўрмасдан қолдирилади, солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари бўлмаган ёки солиқ тўловчи солиқ қарзини тўлаш учун ўзининг банк ҳисобварағига тўлов топшириқномасини қўйган ҳоллар бундан мустасно»;

**13.1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13.1. Давлат солиқ хизмати органи ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилганда, солиқ қарздорлигининг миқдори қонун ҳужжатларида белгилангандан кам бўлмаслиги лозим.

Агар қарздорлик суммаси белгиланган миқдордан кам бўлса, даъво аризасини қабул қилиш ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мос равишда рад этилади, ушбу ҳолат ариза иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, иш юритиш ИПК 110-моддасининг 1-бандига мувофиқ тугатилади.

Судларга тушунтирилсинки, мазкур банднинг иккинчи хатбошида белгиланган қоида, солиқ қарзининг суммаси ундирувни мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан кам бўлган, бироқ ушбу қарз тўлаш муддати тугаганидан кейин бир йил ичида тўланмаган ҳолларда татбиқ этилмайди»;

**14-бандининг иккинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқ кодексининг 63-моддаси давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчининг солиқ қарзини сўзсиз ундириш тартибини белгилайди. Шу муносабат билан иқтисодий судлар эътиборга олишлари керакки, солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан ундириш ҳақидаги даъво аризалари (аризалар) иқтисодий судларга тааллуқли эмас, Солиқ кодекси 70-моддасининг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

**17-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Иқтисодий судлар ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризасини иш юритиш учун қабул қилишда Солиқ кодекси 65-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинганлигини текшириши шарт:

солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;

тўлов топшириқномалари, тўлов талабномалари ва инкассо топшириқномалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.

ИПК 149-моддаси иккинчи қисмининг 8-банди ҳамда Солиқ кодексининг 59 ва 60-моддалари талабидан келиб чиқиб, ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризасига солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилиниши керак.

Давлат солиқ хизмати органининг ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризасига қайд этилган ҳужжатлар илова қилинмаганлиги ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ даъво аризасини қайтариш учун асос бўлади»;

**20-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш, солиқ тўловчига молиявий санкцияни қўллаш, унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операция-

ларни тўхтатиб туриш, инкассо топшириқномасини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда исботлаш мажбурияти ИПК 68-моддасининг биринчи қисмига мос ҳолда ваколатли орган зиммасига юклатилади.

ИПК 73-моддаси тўртинчи қисмининг мазмунига кўра, солиқ тўловчининг раҳбари ёки ходимига нисбатан жиноят иши бўйича ҳукм муайян ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар кимлар томонидан содир этилганлиги масалалари бўйича иктисодий суд учун мажбурийдир. Бунда ваколатли орган текшириш тартиби ва қоидалари бузилмаган ҳолда ўтказилганлигини ҳамда солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлигини исботлашдан озод этилади, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида назарда тутилган реабилитация асосларига мувофиқ чиқарилган ҳукм бундан мустасно.

Судлар инobatга олишлари лозимки, айблилиқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажрим (қарор) ёки шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор билан аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо беришда, ушбу ҳолатлар суд томонидан далил сифатида қабул қилиниши мумкин»;

**20.1-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20.1. ИПК 66-моддаси иккинчи қисмининг мазмунига кўра ва Солиқ кодекси 67-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган далиллар (солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳужжатлар ёки бошқа ахборот) солиқ тўловчини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди»;

**22-бандидаги** «ХПК 118-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига» деган сўзлар «ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**28-бандининг бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**28.1-бандидаги** «ушбу қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **28.2-банд** билан тўлдирилсин:

«28.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида» 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармонининг 2-бандида тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалиқ фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилиниб, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно эканлиги белгиланган.

Судларнинг эътибори, мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мораторий 2020 йил 22 январгача бўлган муддатда амал қилишига қаратилсин. Шу муносабат билан, агар давлат солиқ хизмати органи қайд этилган муддатда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалиқ фаолияти бўйича ўтказилган солиқ текшируви натижасида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун тадбиркорлик субъектига ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилса, мазкур ҳолат аризадаги талабни қаноатлантиришни

рад этиш учун асос бўлади, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказилган текширишлар, шунингдек қисқа муддатли текширишлар бундан мустасно»;

**29, 30 ва 34-бандлари** чиқариб ташлансин;

35.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35.2. Судларга тушунтирилсинки, Солиқ кодекси 108-моддасининг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари, 112-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қоидалар фақатгина Солиқ кодексининг 17-бобида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ва молиявий санкцияларга қўлланилади.

Судлар Солиқ кодекси 108-моддасининг тўққизинчи қисми ва 112-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган қоидалар фақат судлар томонидан қўлланишини инобатга олишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сонли Қарорининг 3-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сонли қарорининг 4-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 49-банди, Солиқ кодекси 53-моддасининг олтинчи қисми ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ ишларни кўришда ушбу қоидалар татбиқ этилмайди»;

**37.3-бандидаги** «ХПКнинг 38-моддасига» деган сўзлар «ИПКнинг 45-моддасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**38-бандининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суднинг ҳукми, ажрими, қарори ёки ҳал қилув қарори ёхуд давлат органининг (мансабдор шахсининг) қарорига асосан қирим қилинмаган товарлар йўқ қилинган бўлса, Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган санкция қўлланилиши лозим»;

**42.2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42.2. Суд буйруғи берилганидан кейин давлат солиқ хизмати органи томонидан айна бир предмет ва айна бир асослар бўйича даъво тақдим этилса, даъво аризасини қабул қилиш ИПК 154-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан рад этилади, агар даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган бўлса, иш юритиш ИПК 110-моддасининг 2-бандига асосан тугатилади».

**16.** Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг «Мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарори:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томони-



дан конун ҳужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида»;

**муқаддимасидаги** «Хўжалик судлари» деган сўзлар «Иқтисодий судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-бандидаги, 6-бандининг биринчи хатбошисидаги, 9 ва 12-бандларидаги, 13-бандининг биринчи хатбошисидаги, 15-бандидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси (бундан буён матнда ХПК деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-бандидаги** «ХПК 24-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра хўжалик суди» деган сўзлар «ИПК 26-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига кўра иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5-банди** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Агар мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш жараёнида мулк ҳуқуқини тан олиш жисмоний шахсининг ҳуқуқи ва конун билан кўриқланадиган манфаатига таъсир этиши мумкинлиги аниқланса, ушбу даъво аризасини қабул қилиш ИПК 154-моддасининг 1-бандига мос ҳолда рад этилади, бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилингандан сўнг аниқланса, суд иш юритишни ИПК 110-моддасининг 1-бандига мувофиқ тугатади»;

**7-банди** куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Судларнинг эътибори юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш билан боғлиқ ишларни кўришда аризада мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатнинг илгари мавжуд бўлганлиги, бироқ у йўқолган ва тиклаш мумкин бўлмаганлиги тегишли далиллар билан исботланган тақдирда мулкка эгалик ҳуқуқини эмас, балки мулкни аризада эгалик ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлганлик факти тасдиқланишига қаратилсин»;

**9-бандидаги** «ХПК 112-моддасининг» деган сўзлар «ИПК 149-моддасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**12.4-бандининг учинчи хатбошисидаги** «ХПКда» деган сўз «ИПКда» деган сўз билан алмаштирилсин.

*(Давоми кейинги сонда.)*

Ўзбекистон Республикаси

Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Пленум котиби,

Олий суд судьяси

И. АЛИМОВ



## ТАДҚИҚОТ, ТАҲЛИЛ, ТАКЛИФ

# ТҮЙДА ҲАМ ТАРТИБ БЎЛИШИ КЕРАК

Маълумки, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган.

Бироқ, сўнгги йилларда бу каби оилавий тадбирларни ўтказишда ортиқча даб-даба, исрофгарчилик ҳамда миллий қадриятларимизга ёт бўлган иллатлар кўзга ташланмоқда.

Мазкур иллатларга барҳам бериш бўйича мухтарам Президентимиз томонидан муҳим ташаббус илгари сурилди.

Бинобарин, оилавий тадбирлар билан боғлиқ қўшимча чораларни белгилаш мақсадида давлат органлари, маданият ва санъат муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат таркибда Сенат ҳузурида Республика ишчи гуруҳи тузилди ва мазкур гуруҳ томонидан кенг жамоатчилик фикри ўрганилди.

Ўрганишлар таҳлили ва аҳоли билан ўтказилган бевосита мулоқотлар оилавий тадбирларни намунали ўтказишга тўсик бўлаётган қатор жиддий муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Хусусан, баъзи фуқаролар оилавий тадбирларни дабдаба билан ўтказишни қўшнилар, қариндошлар томонидан бўладиган танқидлардан, қоралашдан, умуман олганда, ижтимоий тазйиқдан халос бўлиш воситаси сифатида тушунмоқда.

Айниқса, хотин-қизларнинг онгида оилавий тадбирларда қиз томоннинг сарф-харажатлари қанчалик юқори бўлса, куда-андалар ўртасидаги муносабатлар ҳам шунчалик яхши бўлади, деган нотўғри тасаввур ҳам мавжуд.

Сўнгги пайтларда оилавий тадбирларнинг янги турлари ўйлаб топилаётгани, уларни ўтказиш учун беҳуда сарф-харажатлар қилиниши аксарият аҳолининг моддий аҳволига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Оилавий тадбирларда катта маблағ эвазига хизмат кўрсатиш учун таклиф этилган айрим санъаткорлар томонидан миллий менталитетимиз, қадриятларимиз ва урф-одатларимизга мос келмайдиган, «оммавий маданият» иллатларини тарғиб қиладиган ҳамда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатлар намойиш этилмоқда.

Юқоридаги салбий ҳолатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат ижтимоий

аҳволига, балки бутун ҳаётига, қолаверса, жамиятимизда қарор топган маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, узоқ давом этган муҳокамаалардан сўнг жорий йилнинг 13 август куни Сенат Кенгашининг «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тузиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари томонидан Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссия тузиш, унинг таркиби ва низомини тасдиқлаш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиянинг намунавий низоми, намунавий таркиби тасдиқланди.

Комиссиялар таркибига қуйидаги масъуллар киритилади:

халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси;

вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари;

Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси, сенатор;

халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси;

халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси раиси;

Ички ишлар, Адлия, Маданият вазирликлари, Давлат солиқ кўмитасининг ҳудудий бошқармалари (бўлимлари) бошлиқлари, «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари.

Комиссиялар халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари олдида масъул ва уларга ҳисобдор бўлади.

Комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳар бир ҳудуднинг маҳаллий урф-одатлари ва анъаналаридан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлар томонидан тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар (бундан буён матнда оилавий тадбирлар деб юритилади) ўтказилишини тартибга солишга қаратилган қоидаларни белгилаш бўйича маҳаллий Кенгашларга таклифлар киритиш;

маҳаллий Кенгашлар томонидан ўрнатилган қоидаларга амал қилинишини до-

имий равишда назорат қилиб бориш, натижаларини маҳаллий Кенгаш сессияси муҳокамасига киритиш;

оилавий тадбирлар ўтказилишига оид қоидаларни бузганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар киритиб бориш;

оилавий тадбирлар ўтказилишига масъул давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва унинг ҳузуридаги оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва унинг ҳузуридаги оилавий тадбирлар ўтказилишни тартибга солиш бўйича комиссиялар ҳамда жамоатчилик билан биргаликда намунали оилавий тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш;

намунали оилавий тадбирларни ташкил этиш истагини билдирган ва бундай тадбирларни ташкил этган шахсларнинг ижобий қиёфасини шакллантириш, уларни рағбатлантириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, инсонларда бундай тадбирларни онгли тарзда ўтказиш истагини кучайтирувчи таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

оилавий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ миллий ва диний қадриятларга, ахлоқ қоидаларига зид бўлган маросимлар, номақбул одатлар ва уларнинг салбий оқибатлари тўғрисида тарғибот ишларини олиб бориш;

тўй эгалари томонидан миллий урф-одат ва анъаналарни менсимаслик, шухратпарастлик, исрофгарчилик ҳолатларига йўл қўйилаётган хатти-харакатларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш;

оилавий тадбирларни ўтказишда халқимиз маънавияти ва турмуш тарзига, ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган, ортикча сарф-харажатларга сабаб бўлаётган, тўйдан олдин ва кейин ўтказиладиган турли хил тадбирларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

оилавий тадбирларнинг ортикча сарф-харажатга сабаб бўлувчи янги турларининг ўйлаб топилишини олдини олиш;

жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, оилалар ўртасида кескин табақаланишнинг олдини олиш, соғлом оилавий муносабатларни шакллантириш, аҳоли орасида шукроналик туйғуларини кучайтириш;

оилавий тадбирлар ўтказилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Комиссиялар раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда тузилади, улар маҳаллий Кенгаш сессиясида сайланади.

Комиссиялар ўз фаолиятини давлат органлари, оммавий ахборот воситалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қуйидаги шаклларда олиб боради:

жойларда оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирлар ўтказилади;

Сенат аъзолари иштирокида маҳаллаларда аҳоли билан учрашувлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилади;

оилавий тадбирлар ўтказишни режалаштирган оила вакиллари билан, айниқса,

никоҳнинг илк даврларида эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасида суҳбатлар ташкил этилади;

намунали оилавий тадбирлар ўтказилиши ташкил этилади, бундай тадбирларни ташкил этган шахслар маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади;

ўтказиладиган оилавий тадбирларнинг рўйхати шакллантирилади ва рўйхат асосида Сенат аъзолари билан биргаликда мониторинг юритилади;

оилавий тадбирларнинг исрофгарчиликсиз, дабдабасиз ўтказилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамоатчилик назорати ўрнатилади ва тегишли қоидаларга риоя этилмаган ҳолатлар муҳокама қилинади;

шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, ўзгалар фикрини менсимасликнинг салбий оқибатларини ёритишга, аҳолининг тежамкорлик маданиятини шакллантиришга, ижтимоий табақаланишнинг олдини олишга қаратилган услубий қўлланмалар ва тарғибот материаллари тайёрланади;

никоҳдан ўтиш мақсадида ариза билан мурожаат қилган ёшларни ўқитиш, уларнинг оилавий ҳаётга тайёргарлигини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этилади;

миллий менталитетимиз, кадриятларимиз ва урф-одатларимизга мос келмайдиган ҳамда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасалари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий тузилмалари билан фаол иш олиб борилади;

оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар тайёрланади ва кўриб чиқиш учун Сенатнинг тегишли қўмитасига тақдим этилади.

Комиссиялар давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларидан иборат тарғибот гуруҳларини тузиши мумкин.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш жоизки, комиссиялар фуқаролар йиғини ҳузуридаги оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича комиссиянинг оилавий тадбирлар ўтказилишига оид қоидаларни бузганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таклифларини ўрганади.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби чора-тадбирлар жамиятнинг барча жабҳалари катори тўй ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказишда ҳам тартиб ва меъёрни таъминлашга қаратилган.

Энг муҳими, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича асосий масъулият ва таъбир жоиз бўлса, жавобгарлик ҳам кенг жамоатчилик, хусусан маҳаллий Кенгашлар депутатлари зиммасига юклатилмоқда.

**Р. САИДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг**  
**Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари,**  
**Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини**  
**кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси раиси ўринбосари**

## ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида халқимиз фидокорона меҳнат қилмоқда.

Ўз навбатида, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти юксалиб, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бораёпти. Инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда кескин бурилишлар кузатилаётгани ижтимоий ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаётгани ҳам бор гап. Бундай шароитда давлат идоралари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2016 йил 14 декабрдаги қўшма мажлисидаги нутқида ушбу муҳим масалага алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «...Халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳраб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз қонунчилигида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, Конституциямизнинг 32-моддасида қуйидаги қоида мавжуд: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади»<sup>2</sup>.

Ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Асосий Қонунимизда Ўзбекистондаги демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб берадиган фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки жамоатчилик назорати институти орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олдига энг муҳим вазифа сифатида қўйилган қонун устуворлигига амалда эришиш жамоатчилик назоратининг асосий мақсади ҳисобланади.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари, шакллари ва турлари вужудга келди. Бу нималарда намоён бўлмоқда?

*Биринчидан*, жамоатчилик назорати механизмларининг пайдо бўлиши нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Фикримизнинг асоси сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг барча турларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганлигини кўришимиз мумкин.

*Иккинчидан*, демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамиятини инобатга олиб, 2018 йил 4 майда «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди.

*Учинчидан*, жорий йил 12 апрелда жамоатчилик назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун билан жамоатчилик назоратини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари олиб боришлари мумкинлиги белгиланди.

Қайд этиш жоизки, жамоатчилик назоратини амалга оширишда катта имкониятга эга бўлган субъектлардан бири оммавий ахборот воситаларидир.

Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, **ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига содиқ қолиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, оммавий ахборот воситалари ходимлари каби маънавий жасорат эгаларигина қодир бўлади.**

Дарҳақиқат, жамият ҳаётида учрайдиган барча муаммоли масалалар «тўртинчи ҳокимият» вакилларининг хизматлари эвазига кўтариб чиқилади.

Аслида оммавий ахборот воситалари фаолият юритишидан кўзланган мақсад ҳам жамиятдаги муаммоларнинг борлигини, энг асосийси, унга ечим топиш кераклигини айтишдан, жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборат.

Бинобарин, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг кўзгуси, жамоатчилик фикрини ифода этиш воситаси сифатида энг долзарб муаммолар, баҳс ва мунозарага сабаб бўлувчи масалаларга эътибор қаратмоқда.

Зотан, «Журналистик фаолиятни химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда белги-

ланганидек, журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш билан бирга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга тақдим этиш орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириши лозим<sup>4</sup>.

Жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларидан яна бири, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда бу борадаги кафолатлар аниқ мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунда берилган таърифга кўра, жамоатчилик назорати давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган фаолиятдир<sup>5</sup>.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ўз ҳудудидаги муаммоларни бошқаларга нисбатан яхши тушунадилар ва уларни бартараф этишга нисбатан ўзларини масъул деб биладилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати фуқаролар йиғини (унинг комиссиялари) иш режасига асосан ёки фуқаролар йиғини қарори асосида амалга оширилади. Бундай қарор қабул қилиш учун жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг муружаатлари асос бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудуд ёки тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан давлат органларига ёки уларнинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилишни талаб қилган ҳолда муружаат қилишлари ёки сўровлар юборишлари мумкин.

Сўровда фуқаролар йиғинининг номи кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён қилиниши лозим. Сўров фуқаролар йиғини раиси томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳокамалар, жамоат эшитувлари, мунозаралар ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этилиши мумкин. Муҳокамалар, жамоат эшитувлари ва мунозараларга фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга оширилган давлат органи мансабдор шахслари ва бошқа ишчилари ҳам тақлиф қилинади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарорлари, тақлифлари, хулосалари давлат органлари томо-



нидан мажбурий тартибда ўттиз кун ичида кўриб чиқилади ҳамда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёзма равишда жавоб берилади.

Фуқаролар йиғинлари Кенгашлари ҳам маҳаллалар ҳудудидаги корхона, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш ваколатига эга.

Маълумки, сиёсий партиялар орқали ҳам жамоатчилик назоратини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, бу борада ҳам сиёсий партиялар фаолиятида айрим муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айтиб бўлмаслигини, улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмаётганини<sup>6</sup> таъкидлаб ўтган эди.

Айниқса, сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг фаолияти юзасидан ахборотларини эшитиш борасида фаоллик етишмайди.

Ваҳоланки, сиёсий партиялар вакиллари фақатгина мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолмасдан ҳаётий муаммоларга маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг эътиборини қаратиб, амалий ечим топилишига ҳисса қўшиши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан оғишмайриоя этилишини таъминлашга қаратилган муҳим институтдир.

**Х. МАМАТОВ,**  
**юридик фанлар доктори**

<sup>1</sup>Ш.М. Мирзиёев. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз». «Ўзбекистон» НМИУ. 2017. Тошкент. 141-142-бетлар.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 й., 16-сон.

<sup>3</sup>«uza.uz» расмий сайти, 2018 йил 5 май.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда.

<sup>5</sup>«Халқ сўзи» газетаси, 2013 йил 23 апрель, 77 (5751)-сон.

<sup>6</sup>Ш.М. Мирзиёев. «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз». «Ўзбекистон» НМИУ. 2017. Тошкент. 542-бет.

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН СУРИШТИРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда яқин вақтларга қадар амал қилган қонунчиликда суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш механизмлари маълум маънода бири-бирини такрорлар, асослантилмаган узоқ муддатли жиноий таъқиб қилиш билан боғлиқ сансалорликка олиб келар эди.

Бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари каби суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан, жиноят ишлари юзасидан судга қадар ва судда иш юритишни соддалаштириш, такомиллаштириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, тергов сифати ва самарадорлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги Фармони<sup>1</sup> билан тасдиқланган Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури ҳамда 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида жиноят ишлари бўйича судгача ва судда иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш назарда тутилган эди.

2017 йил 6 сентябрда «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун<sup>2</sup> билан Жиноят-процессуал кодексининг 130 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, 11 та модда янги таҳрирда баён қилинди, Кодекс «Ишни судга юборишнинг умумий шартлари» ва «Суриштирувнинг умумий шартлари» номли 40<sup>1</sup> ва 46<sup>1</sup>-боблар билан тўлдирилди.

Мазкур ўзгаришларнинг моҳиятини нималарда кўриш мумкин?

*Биринчидан*, 2017 йил 7 сентябрга қадар амалда бўлган Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддасига кўра, суриштирув дастлабки терговнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, бунда жиноят иши кўзгатилаганидан бошлаб кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини амалга ошириш назарда тутилган, жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш асосий вазифа қилиб белгиланганди.

Эндиликда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар белгиланди, жиноят ишини тергов қилишнинг суриштирув ёки дастлабки тергов шаклида амалга оширилиш тартиби жорий этилди.

*Иккинчидан*, суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда давом этиши ва жиноят ишини терговчига ўтказиш ёки ишни тарафларнинг ярашуви учун судга юбо-

риш тўғрисидаги қарор билан ёхуд амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома билан бирга прокурорга юбориш билан тамомланиши белгиланган эди.

Ўзгаришлар асосида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят ишлари бўйича судгача иш юритишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Яъни, Жиноят кодексида мавжуд бўлган 154 та таркибдан иборат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг фақат 98 таси бўйича бу тартиб жорий этилди.

Жиноят ишини айблов далолатномаси билан прокурорга ва кейинчалик тасдиқлаган ҳолда судга юбориш орқали тугатиладиган суриштирув кўринишидаги дастлабки тергов муддати бир ой қилиб белгиланди. Мазкур турдаги жиноят ишларини судда муҳокама қилиш муддати эса икки ойдан бир ойгача қисқартирилди.

*Учинчидан*, Жиноят-процессуал кодексининг эски таҳрирдаги 38-моддасида жами 9 та суриштирув органлари белгиланган бўлса-да, суриштирувчи лавозими фақатгина ички ишлар, божхона органларида, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент, Солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментида назарда тутилганди.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида жиноят ишларининг суриштирув шаклидаги тергов ўтказиш ваколати ички ишлар органлари, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси ва уларнинг жойлардаги бўлимлари суриштирувчиларига берилди. Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексида белгиланган ҳолларда прокуратура органлари томонидан ҳам суриштирув ўтказилиши белгиланди.

Икки шаклдаги суриштирувдан фарқли равишда, соддалаштирилган иш юритиш жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахс аниқ бўлса ва у ўзининг жиноятга дахлдорлигини рад этмаса, суриштирув органлари томонидан амалга оширилади.

Таъкидлаш лозимки, қонунчиликка киритилган ўзгаришлар қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Мисол учун, статистик маълумотларга кўра, биргина жорий йилнинг январь ойида прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ва Мажбурий ижро бюроси, ички ишлар ва божхона органлари томонидан жами 1034 та жиноят иши айблов далолатномаси, ярашув, амнистия тартибида ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш ҳақидаги қарор билан судга юборилган бўлиб, бу кўрсаткич судга юборилган жами жиноят ишларининг 38 фоизини ташкил қилади.

Ўз навбатида, жиноят-процессуал қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

*биринчидан*, Жиноят-процессуал кодексининг 38<sup>1</sup>-моддасига кўра, суриштирувчига шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати берилган.

Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексининг 361-моддасига суриштирувчига

шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, 362-моддасига айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш ваколатларини бериш билан боғлиқ ўзгартишларни киритиш мақсадга мувофиқдир;

*иккинчидан*, Жиноят-процессуал кодекси 39<sup>2</sup>-моддасининг олтинчи қисмида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қарорлари мазкур орган бошлиғи томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Бирок, терговга қадар текширув ҳаракатлари Жиноят-процессуал кодексининг 320<sup>2</sup>-моддасига асосан терговчи ва суриштирувчи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин, мазкур Кодекснинг 36 ва 38<sup>1</sup>-моддаларига асосан эса, терговчи ва суриштирувчи мустақил равишда қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексининг 39<sup>2</sup>-моддаси олтинчи қисмига ушбу Кодекс 36 ва 38<sup>1</sup>-моддаларига асосан терговчи ва суриштирувчининг мустақил равишда қарор қабул қилиш ваколатига эгаллиги, қонунда прокурор рухсатини олиш назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснолиги ҳақида қўшимча киритиш лозим;

*учинчидан*, Жиноят-процессуал кодексининг 381<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ суриштирув ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда прокурорлар ва терговчилар томонидан ҳам олиб борилиши мумкин, бироқ, айнан қайси тоифадаги жиноят ишлари бўйича суриштирув олиб борилиши кўрсатилмаган. Шу сабабли, 381<sup>1</sup>-моддани тегишли қоидалар билан тўлдириш тақозо этилади;

*тўртинчидан*, Жиноят-процессуал кодекси 381<sup>5</sup>-моддасининг бешинчи қисмида ишни бир суриштирув органидан бошқа суриштирув органига ўтказиш прокурор розилиги билан амалга оширилиши белгиланган.

Бирок, ишни бир ҳудуд доирасида суриштирув органидан бошқа суриштирув органига, шунингдек бир ҳудуддаги суриштирув органидан бошқа ҳудуддаги суриштирув органига ўтказишда қайси прокурорнинг розилиги талаб қилиниши аниқ кўрсатилмаган.

Шу сабабли, Кодекс 381<sup>5</sup>-моддасининг бешинчи қисмига жиноят ишини бир ҳудуд доирасида суриштирув органидан бошқа суриштирув органига ўтказиш назорат қилувчи прокурорнинг розилиги билан, бир ҳудуддаги суриштирув органидан бошқа ҳудуддаги суриштирув органига ўтказиш эса юқори турувчи прокурор розилиги билан амалга оширилиши ҳақидаги ўзгартиришларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

**Ш. АКРАМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**ҳузуридаги Давлат бошқаруви**  
**академияси тингловчиси**

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ-4850-сон Фармони // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

# ЖАЗО ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ

Маълумки, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- мажбурий жамоат ишлари;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- озодликни чеклаш;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам берилиши мумкин.

Жарима айбдордан давлат даромадига пул ундиришдир ва у энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан беш йилгача муддатга, қўшимча жазо тариқасида тайинланганда бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно.

Мажбурий жамоат ишлари маҳкумни ҳақ тўланмайдиган фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий тарзда жалб қилишдан иборатдир. Маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган бўлса, мажбурий жамоат ишлари ишдан ёки ўқишдан бўш вақтда ўталади.

Маҳкумлар мажбурий жамоат ишларини ўташи мумкин бўлган жойлар (объектлар) ва мажбурий жамоат ишларининг тури мазкур жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланади.

Мажбурий жамоат ишлари 120 соатдан 480 соатгача бўлган муддатга тайинланади ва 6 ой давомида кунига 4 соатдан кўп бўлмаган вақтда, маҳкумга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда эса, бир йилгача бўлган муҳлатда кунига тўрт соатдан кўп бўлмаган вақтда ўталади.

Мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

Ахлоқ тузатиш ишлари олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Хизмат бўйича чеклаш ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдир.

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланади.

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

Озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашларни) юклаши мумкин:

муайян жойларга бормаслик;  
оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;  
муайян фаолият билан шуғулланмаслик;  
муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;  
транспорт воситасини бошқармаслик;  
маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;  
муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;  
алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик;  
алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Интизомий қисмга жўнатиш муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишдир.

Интизомий қисмга жўнатиш жазоси уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга интизомий қисмга жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш бир ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп

муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Турмага қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо хомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум саклаш режими ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлашти-



радиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотиغا эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд Жиноят кодекси Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди.

Суд жазо тайинлашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олади:

содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси;

қилмишнинг сабаби;

етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори;

айбдорнинг шахси;

жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Қуйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш;

б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш;

в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш;

г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш;

д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш;

е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, қасб ёки хўжалиқ фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш;

ж) вояга етмаганининг жиноят содир этиши;

з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши;

и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш.

Жазо тайинлашда суд бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Енгиллаштирувчи ҳолат Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

Қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади:

- а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;
- б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан;
- в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан;
- г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан;
- д) ўта шафқатсизлик билан;
- е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда;
- ж) ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда;
- з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги;
- и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида;
- к) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда;
- л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида;
- м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиний уюшма томонидан;
- н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши;
- о) мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, Жиноят кодекси 56-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин. Ўз навбатида, суд жазо тайинлашда ушбу моддада назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эмас.

Ҳар хил турдаги асосий жазоларни қўшганда озодликдан маҳрум қилишнинг бир куни:

- а) озодликни чеклашнинг ёки интизомий қисмга жўнатишнинг 1 кунига;
- б) ахлоқ тузатиш ишларининг ёки хизмат бўйича чеклашнинг 3 кунига;
- в) мажбурий жамоат ишларининг 4 соатига тўғри келади.

Жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликни чеклаш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари, мажбурий жамоат ишлари жазоси билан қўшилганда ҳар қайсиси алоҳида ижро этилади.

**Ш. РАЗЗАҚОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Хоразм вилоят суди судьяси

# ТОШГА АЙЛАНАЁТГАН КЎНГИЛЛАР

*Аёлга таъриф берилганида энг чиройли иборалар қўлланилади. Айниқса, бу иборалар ичида «кўнгли гулдек нозик» каби ўхшатишлар унга жуда муносиб. Аммо, баъзида ана шу гулдек нозик кўнгиللар тошга айланиб қолаяпти. Шу сабаб, унинг тақдирига жиноятчи деган тамга босилаяпти. Хўш, хотин-қизларни жиноят кўчасига киришга нима мажбур қилмоқда? Уларни бундай қора қисматдан қандай қутқариб олиш мумкин? Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек тумани судининг раиси Ёқутхон ҲАЙДАРОВА билан қилган суҳбат давомида ушбу саволларимизга жавоб излашга ҳаракат қилдик.*

– Сир эмас, кейинги йилларда хотин-қизлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари ошиб бормоқда. Бу статистик маълумотларда ҳам кўзга ташланади. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?

– Суд тизимидаги кўп йиллик фаолиятим, қолаверса, аёл киши бўлганим боис, аёллар томонидан жиноят содир этилишига кўпроқ эътибор қаратаман. Аёл киши нима учун яратилган, деган саволга жавоб излайман. Унинг жамиятда бажариши зарур бўлган вазифаларидан энг асосийлари турмуш ўртоғининг хизматини қилиш, фарзанд кўриш, уни оқил инсон қилиб тарбиялаш, парваришладан иборат. Афсуски, барча аёллар ҳам бу масъулиятни ҳис қилмайди. Атрофидаги инсонлар қанчалик яхши бўлмасин, давлат томонидан шароитлар яратилмасин, унинг қадрига етиб, ҳалоллик билан яшашни истамайдиганлар ҳам бор. Тарихдан маълум, уруш йилларида ҳам аёллар бир бурда нон топиш учун ишлаган, ҳалол меҳнат билан рўзғорини тебратган. У даврларда ҳам ўғирликлар, товламачиликлар бўлган, аммо бу даражада оммалашмаган. Ҳамма нарса муҳайё қилингани, имкониятлар яратилгани сайин аёлларда нафснинг қулига айланиш ҳисси кучаймоқда.

– Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган ўз фарзандини ўлдирган оналар ҳақидаги видео лавҳалар одамларнинг қалбини ларзага солаяпти.

**Уларга нисбатан фикрлар билдириляпти. Айтинг-чи, онани жиноят содир этишга нима мажбур қиляпти?**

– Жазони ўташ муассасасидаги бир аёлнинг ишини кўрганим ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ўзининг 2 яшарлик қизчасини ҳожатхонага олиб кириб, сўйиб ташлаган. Она қизчасини судраб олиб кириб кетаётганида боласи дод солиб йиғлаган. «Онажон, мени кўйворинг», дея ялинган. Қандай даҳшатли воқеа. Эшитган одамнинг қалбини ларзага солиб, юрагига оғриқ берадиган жиноятни содир этган аёл билан рўбарў ўтириб суҳбатлашдим. Тўғри, ҳамма бу аёлдан нафратланди. У она, деган номга нолойиқ. Аёл билан уч соат давомидаги суҳбат асносида уни шу аҳволга солган ҳолат маълум бўлди.

Кўпинча аёл киши жиноят содир қилса, уни айблаймиз. Аммо, уни жиноятга бошловчи омилларни ўрганишни кечиктирамиз ёки эшитишни истамаймиз.

Боласини ўлдирган аёл турмушга чиққан хонадонидан эри ва қайнонаси томонидан тинимсиз равишда хўрланган. Яшашдан шунақа тўйиб кетганки, мақсади аввал қизини, сўнг ўзини ўлдириш бўлган. «Мен ўлсам, кейин қизим хор бўлади, ундан кўра ўзим ўлдириб қўя қолай, иккаламиз ҳам бунақа ҳаётдан қутуламиз», деган фикр бўлган хаёлида. Қизини ўлдирганидан сўнг ўзида куч тополмай қолган. Важохат ичида шу ишни қилган, сўнг ўзига келган. Тинимсиз тазйиқ ҳамда меҳрсизлик уни шу йўлга бошлади. Ажрашай деса, ота уйига сиғмайди. Боласини боқиш учун қўлида касб-хунари йўқ. Миясига келган энг хунук фикрни чора деб қабул қилган. Бу воқеани ҳамма унутса ҳам, у онанинг эсидан чиқмайди. Ўла-ўлгунча фарзанди кўз олдидан ўтади. Боласига куймайдими?! Энг кўп куйган одам аёлнинг ўзи. Ахир болани ҳаммадан кўра энг кўп яхши кўрадиган ҳам она-ку! Ўша аёл ўз ҳаётини ўзи бир умрга барбод қилди.

**– Қандай тоифа аёллар ўртасида жиноят содир этиш кузатилади?**

– Кўпинча ижтимоий ҳимояланмаган хотин-қизлар ўртасида жиноят содир этиш кузатилади. 65 фоиз аёллар жамоат ишларига жалб қилинмаган. Қайнона-қайнотаси, эрининг хизматидан бошқасига ўтмайди. Агар хотин-қизлар жамоатчилик ишларига жалб этилса, қийинчилик ёки зулм кўрганида ҳам жиноят содир этмайди. Чунки, ҳар қандай муаммонинг ечимини топа олади. Президентимиз томонидан шу йилнинг февраль ойида имзоланган «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмаётгани, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш механизми

замон талабларига жавоб бермаслиги танқид остига олинган. Бу – барчамизнинг камчилигимиз. Фармон ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фаоллари билан биргаликда барчамиз бирдек иш олиб боришимиз зарур. Туманимиздаги 54 та маҳаллада маслаҳатчилар хизмат қилади. Уларнинг вазифаси оиладаги муҳитни ўрганишдан иборат. Аммо, бу масъулиятни фақат уларнинг зиммасига юклаш нотўғри. Барчамиз биргаликда ҳамжиҳат бўлиб, жиноятнинг илдизини қуритишга ҳаракат қилишимиз зарур.

**– Кейинги пайтларда фирибгарлик, товламачиликни касб қилган аёллар ҳам кўпайди. Уларга нисбатан қандай жазо турлари қўлланилади?**

– Фирибгар аёлларда бировни алдаш, ишонтириш хусусияти бор. Баъзи бир одамлар ўзининг кўли очиқлигини кўрсатиб қўяди-да, уларнинг тузоғига тушади. Масалан, кейинги пайтда кўпроқ уй олиб бераман, деб алдовчилар кўпайди. Аслида уй олди-сотдиси қийин иш эмас. Аммо, пул топиб, ақл топмаган одамлар ҳам кўп. Қонунни билган одам ҳеч қачон қоқилмайди. Бир товламачи аёлнинг ишини кўрдим. Танишини «Мен сизга арзон нархда уй топиб бераман», деб ишонтирган. Икки хонали уйни 20 минг АҚШ долларига олиб беришни ваъда қилган. Аслида уйнинг баҳоси 40 минг АҚШ доллари миқдорида бўлган. Товламачи ўзининг номига ишонч хати қилдириб олган ижара уйининг сохта хужжатларини танишига берган, «уйни фалон кун расмийлаштириб бераман» деб, пулни олиб, жуфтакни ростлаб қолган. Икки йилдан сўнг товламачи қўлга олинди. Суҳбат давомида у доимий тарзда шундай яшаши маълум бўлди. Қарздорликни қоплаш учун маблағи қолмаган, еб-ичиб юборган. Олдинлари товламачиликка нисбатан ҳар йили амнистия қарори чиқарди. Моддий зарарни қопламаган фирибгар аёл бўлгани учун амнистия акти орқали жазодан қутулиб қоларди. Биз «жабрланган одамларга пули қайтмаса, товламачи амнистия билан чиқиб кетаверса, яна ўша ишни давом эттираверади, бунга нисбатан бирор чора кўрилиши керак», деган таклиф билан чиқдик. Фирибгар шахслар етказилган зарарни қопламагунича амнистия қўлланилмаслиги тўғрисида 2014–2016 йилларда қарор чиқди. Хусусан, амнистияга кўра, зарар тўлиқ қопланмаган тақдирда шахс жазодан озод этилмайди. Бу жабрланганлар ҳуқуқини тиклашда кўл келади.

**– Аслида жиноятнинг қатта-кичиги бўлмайди. Аммо, одам ўлдириш, яъни бировнинг жонига қасд қилишгача етиб борган аёлларни қандай тушуниш ва нима деб аташ мумкин?**

– Бировнинг жонига қасд қилиш кечириб бўлмайдиган гуноҳ. Аёл одам ўлдиришгача борган экан, бунинг иккита сабаби бор. Яъни, у одам ўлдираётган пайтида аффект ҳолатида бўлади. Биринчидан, ўлган одам уни шу даражагача

етказган. Бир виждонли, яхши хулқли аёл ҳам яқин танишининг жонига қасд қилади. Таниши билиб-билмай унинг шаънига тегадиган жуда ҳам ёмон сўз айтадики, шу гапнинг ўзи уни адо қилади. Аёл бу сўзлар тухмат эканини исбот қилолмайди ва танишини ўлдиради. Жиноят кодексининг 98-моддасида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш билан боғлиқ норма бор.

Энди иккинчи ҳолатга тўхталиб ўтсак. Қўлига пичоқ олиб, эри ёки қариндошининг жонига қасд қилиш ҳолати узоқ йиллар давомида тайёргарлик асносида амалга оширилади. Айрим оналар фарзанди айтганини қилмаса, «ўлдираман» деб, дағдаға қилишади. Бировни ўлдиришни исташни ёки билиб-билмай тилак айтишнинг ўзи жуда ҳам нотўғри. Тўғри, айрим болалар ҳаддан ортиқ шўхлик қилишади. Аммо, илгари оналаримиз «ҳа, олим бўлгур, уйингга буғдой тўлгур», дея дуо қилиб қарғаган. Шу сўзларнинг ўзи оналарни жиноят кўчасига киришдан асраб қолган. Демак, инсоннинг қалбида ҳам маърифат, ҳам жаҳолат яшайди. Қай бирини танлаш эса, унинг иродасига боғлиқ.

**– Ёқутхон опа, суҳбатимиз якунида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги таклифларингизни ҳам айтиб ўтсангиз?**

– Бажонидил. Энг зарурларидан бошласам. Айни пайтда жазони ўташ муассасаларида психолог штати йўқ. Муассасаларга психолог штатини жорий этиш керак, деб ўйлайман. Бу улар учун жуда ҳам зарур. Чунки, психологга бир марта мурожаат қилган одамнинг муаммоси анча ҳал бўлади. Қолаверса, жиноят содир этишга мойил бўлган аёлларни вазиятдан чиқариш учун ўқишга, ишга жойлаштириш чораларини кўриш керак. Европада «хонимларни тарбиялаш» институтлари бор. Бизда ҳам маҳалла қошида бир ойда бир марта жиноятчиликка мойиллиги бор хотин-қизларни йиғиб, давра суҳбатлари ташкил этиш керак. Бу учрашувлар мажлис тартибида эмас, самимий мулоқот тарзида ўтса, ўзининг самарасини беради.

**Н. РАҲМОНОВА**  
суҳбатлашди

*Агар мендан мазкур халқ ўз тараққиётига сабаб бўлган бирдан-бир нарсани айтиб беришни сўрашса, «Аёлларни эъзозлашларида», – дея жавоб берган бўлар эдим.*

**ТОКВИЛЬ**

## КЕЛИШУВ БИТИМИ – НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ УСУЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши, энг аввало, ушбу секторга нисбатан давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг самарадорлик даражасига боғлиқ.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда, хусусан соҳанинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда. Жумладан, хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилаш мақсадида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида», «Рақобат тўғрисида», «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида» ва бошқа қонунлар, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинган.

Натижада тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ўз навбатида, тадбиркорлик фаолиятини юритиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида низолар юзага келиши ҳам табиий ҳол. 2018 йилнинг иккинчи чораги мобайнида Тошкент шаҳар ва туманлараро иқтисодий судига жами 23 305 та ариза ва даъво аризалари келиб тушган, уларнинг 18 045 таси кўриб чиқилди ва даъвогарлар фойдасига жавобгарлардан 1 трлн. 620 млрд. 240 млн. сўм ундириш ҳақида суд ҳужжатлари қабул қилинди.

Эътиборли жиҳати шундаки, 129 та иш келишув битими асосида тугатилди.

Тажириба шуни кўрсатмоқдаки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келган иқтисодий низоларни ҳал этишнинг энг самарали ва мақбул усули келишув битимига эришишдир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 130-моддасида суд

тарафларнинг келишуви учун чоралар кўриш, уларга иктисодий суд ишларини юришнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашиши белгиланган.

Маълумки, келишув битими ўзаро келишувга асосланган, даъво талабларига нисбатан аниқликка эришишга қаратилган, тарафлар ўртасида низони ҳал қилиш тўғрисида ёзма келишувга эришишдир.

Келишув битими ёзма шаклда тузилиб, уни тузган шахслар ёки уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Келишув битими мажбуриятни кечиктириш, бўлиб-бўлиб ижро этиш, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарздан тўлик ёки қисман воз кечиш, қарзни тан олиш, суд харажатларини тақсимлаш ва қонун талабларига зид бўлмаган бошқа шартлар асосида тузилиши мумкин.

Мисол учун, даъвогар – «НАМКORBANK» АТБ судга мурожаат қилиб, жавобгар – «АВК» масъулияти чекланган жамияти билан тузилган кредит шартномасини бекор қилиш, 400 000 000 сўм асосий қарз, 22 434 399,59 сўм фоиз, 5 721 597,88 сўм кредитга хизмат кўрсатиш комиссияси, 3 837 117,77 сўм пеня ундириш ва ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратишни сўраган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида тузилган 2015 йил 29 июлдаги кредит шартномасига кўра, банк қарз олувчига шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда ва шартлар асосида кредит бериш, қарз олувчи эса олинган кредит маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва кредит маблағларидан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Банк кредит шартномасига асосан қарз олувчига 400 000 000 сўм миқдорида кредит ажратган. Кредитни қайтариш таъминоти сифатида жавобгарга тегишли 6 та 50 тонна сифимга эга махсус идиш ва 2013 йилда ишлаб чиқарилган 2 та юк ортувчи техника гаровга кўйилган.

Жавобгар кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятини бажармаган, яъни кредитни белгиланган муддатларда тўлаб бормаган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 7 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан унинг фойдасига 348 428 197,56 сўм асосий қарз, 31 054 403,98 сўм устама фоиз, 4 855 162,29 сўм комиссия тўлов, 5 051 695,99 сўм пеня ундирилиб, ундирув жавобгарга тегишли бўлган гаровдаги мол-мулкларга қаратилган.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида тарафлар ўзаро тузилган келишув битимини тасдиқлаб бериш учун судга тақдим этишган.

Судлов ҳайъати келишув битимининг қонун талаблари асосида тузилганлигини инобатга олиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, келишув битимини тасдиқлаган ва иш юритишни тугатган.

Амалиётда корпоратив низоларга тааллуқли бўлган ишлар бўйича ҳам тарафларга низони мурасага келиш йўли билан ҳал этишга имкон берилмоқда.

Жумладан, «TERIKS» МЧЖнинг таъсисчиси Хасан Эминович Махкамов Тошкент туманлараро иктисодий судига мурожаат қилиб, таъсисчи Хусанходжа Суннатович Мухамедовни таъсисчилар сафидан чиқаришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, жамиятнинг устави 2005 йил 27 январда Яккасарой туман ҳокимлиги ҳузуридаги инспекция томонидан рўйхатга олинган. Жамият таъ-



сисчилардан бири Х.Махкамовнинг улуши 8 543 428 сўм, яъни 80,9 фоиз, таъсисчи Х.Мухамедовнинг улуши эса 2 020 000 сўм, (19,1 фоиз)ни ташкил этган. Жамият уставида умумий йиғилиш ваколатларига берилган масалалар юзасидан қарор жамият барча иштирокчиларининг овози билан қабул қилиниши қайд этилган.

«Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига кўра, жамият фаолияти бўйича қарорлар ушбу Қонун 30-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган масалалар юзасидан, шунингдек жамиятнинг уставида белгиланган бошқа масалалар юзасидан қарорлар, агар шундай қарорни қабул қилиш учун ушбу Қонунда ёки жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овозлар билан қабул қилинади.

Жамият устави ва мазкур Қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогар 2017 йил май ойида жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш таклифини киритиб, кун тартибига жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш, жамиятнинг ижро этувчи органи ваколатини узайтириш, жамият устав фондини (устав капиталини) унинг иштирокчиларининг кўшимча ҳиссалари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари ҳисобига кўпайтириш масалалари киритилган.

Жамият таъсисчиларининг йиғилиши 2017 йил 16 июндаги умумий йиғилишида жавобгарнинг вакили ишончнома асосида қатнашган. Кун тартибига киритилган масалалар бўйича иштирокчилар бир овозга кела олмаганликлари сабабли, қарор қабул қилинмаган. Бундан ташқари, жамиятнинг директори томонидан 2017 йил 19 июлда жамият таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши чақирилган.

Бироқ, жамият таъсисчиларининг ушбу йиғилишида иштирокчилар кун тартибига киритилган масалалар бўйича бир овозга келиша олмаган. Даъвогар жавобгар ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётгани ва уни жиддий равишда қийинлаштираётгани сабабли, суддан уни таъсисчилар сафидан чиқаришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг талабини қаноатлантириб, жавобгар – Хусанходжа Суннатович Мухамедовни жамият таъсисчилари сафидан чиқариш ҳақида ҳал қилув қарор қабул қилган.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида тарафлар низони ўзаро келишув йўли билан ҳал этишга эришиб, бу ҳақда келишув битимини тузишган.

Келишув битими жамиятнинг иккала таъсисчиси ўртасида тузилганлигини, келишув битими йирик битим талабларига жавоб беришини инобатга олиб, апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати томонидан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган ва иш юритиш тугатилган.

**Л. АБДУЛЛАЕВ,**  
Тошкент шаҳар  
иқтисодий суди раиси

## *МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ИШ БЕРУВЧИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН БЕКОР ҚИЛИШ*

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлиниши қатъий белгилаб қўйилган. Бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Иш берувчилар, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг шартлари, агар қонунда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, бир тарафлама ўзгартирилиши мумкин эмас. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган масалалар меҳнат тўғрисидаги шартнома тарафларининг келишуви асосида, ўзаро келишилмаган тақдирда эса, меҳнат низоларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Меҳнат қонунчилигига кўра, меҳнат шартномаси тарафлардан бирининг ташаббуси билан, муддатнинг тугаши билан, тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра, қонунда йўл қўйиладиган бошқа ҳолларда, шунингдек янги муддатга сайланмаганлиги ёхуд сайланишда қатнашишни рад этганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб олинishi шарт. Агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак, бундай хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни қонунда белгиланган муддатларда огоҳлантириши шарт.

Иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида, лекин камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган ишларни амалга оширади. Иш берувчи камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт.

Агар иш берувчи томонидан қонунда белгиланган талаблар бажарилмаса, ходим ишга тиклаш ҳақида судга мурожаат қилиши мумкин.

Даъвогар – А.Ходжиев судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, Наманган туманидаги Ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежига ишга тиклашни ва мажбурий бўш юрган кунлари учун маънавий ва моддий зарар ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, А.Ходжиев 2011 йилдан бошлаб коллежда чақириққа қадар бошланғич ҳарбий тайёргарлик фани ўқитувчиси вазифасида ишлаб келган. Бу орада олий маълумотли мутахассис келгунига қадар коллеж директорининг 2015 йил 28 ноябрдаги буйруғига асосан ҳарбий таълим раҳбари лавозимига тайинланган, 2016 йил 3 октябрдаги буйруқ билан бўлим бошлиғи вазифасига ўтказилган.

Шу орада А.Ходжиевга яшаб турган хонадони бузилишга тушганлиги сабабли, коллеж директорининг 2016 йил 15 декабрдаги буйруғи билан 2016 йил 15 декабрдан 2017 йил 1 июлга қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили берилган.

А.Ходжиев меҳнат таътилида бўлган даврида унинг маълумоти ўрта махсус бўлганлиги, номутахассислиги, иш ўрни қисқарганлиги кўрсатилиб, у билан тузилган меҳнат шартномаси 2017 йил 15 мартдан бекор қилинган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодекси 100-моддасининг учинчи қисмига кўра, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим.

Ходим ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Суд юқоридаги қонун талаблари ҳамда иш ҳолатларидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирди. Яъни, А.Ходжиевни Ахборот технологиялари ва сервис касб-ҳунар коллежига чақириққа қадар бошланғич ҳарбий тайёргарлик фани ўқитувчиси лавозимига ишга тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

**Н. ШАМСИДДИНОВ,**  
фуқаролик ишлари бўйича  
Наманган вилоят суди судьяси

# ҲАҚИҚАТ ҚАРОР ТОПДИ

## *ИШ МАЗМУНИ*

Жиноят иши ҳужжатларидан кўринишича, Сафаров Ботир Қобилович истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигига жавоб бермайдиган, қиймати 3 886 750 сўмлик бўлган 106,5 кг нос маҳсулотини ўтказиш мақсадида ишлаб чиқарганликда айбли деб топилган.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 2015 йил 19 декабрдаги 1235-сонли хулосаси Б.Сафаровга нисбатан эълон қилинган айбловга асос қилиб олинган. Мазкур хулосада таҳлил ўтказиш учун тақдим қилинган кукун ва гранула ҳолатидаги нос маҳсулоти органолептик хусусиятларига кўра қўланса ҳидли, таркибидаги оҳак миқдори 2,4 мг/кг ни ташкил қилиши, ўсимлик ёғлари миқдори белгиланган 1 фоиз ўрнига 3,5 фоизни, тамаки кукуни белгиланган 6 фоиз ўрнига 11 фоизни ташкил қилиб, таркибида оҳак моддасининг кўплиги сабабли оғиз бўшлиғи тўқималари, қон ва асаб томирларини заҳарлаши, таркибидаги номаълум ўсимлик ёғи қизилўнгач ва ошқозон яллиғланишига олиб келиши мумкинлиги сабабли истеъмолга яроқсиз эканлиги қайд этилган.

## *СУДНИНГ ҲУКМИ*

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2016 йил 23 мартдаги ҳукмига кўра Б.Сафаров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) 186-моддасининг биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида – 1 302 400 сўм жарима жазоси тайинланган.

Ҳукмда истеъмолга яроқсиз деб топилган 3 886 750 сўмлик 106,5 кг тайёр нос, 5 523 000 сўмлик 125 кг тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибда йўқ қилиниши ҳамда ашёвий далил сифатида олинган жами 6 405 606 сўмлик асбоб-ускуналар давлат фойдасига ўтказилиши белгиланган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 28 апрелдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Б.Сафаров томонидан назорат тартибида келтирилган шикоятда судлар томонидан иш ҳолатлари атрофлича, тўла ва холисона ўрганилмаганлиги, унинг айбсизлигини тасдиқловчи далилларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги ҳақида важлар келтирилиб, суд қарорларини бекор қилиш ва уни оқлаш сўралган.

**ҲУҚУҚШУНОС ШАРҲИ**

ЖКнинг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

ЖПКнинг 82-моддасида шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги;

ЖПКнинг 112-моддасида гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкинлиги, гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли қарорининг 16-бандида ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги тушунтирилган.

ЖКнинг 186-моддасида истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ёхуд ўтказиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Маҳсулотларни сертификатлаштиришнинг белгиланган тартиби, хўжалик фаолияти соҳасидаги истеъмолчиларнинг манфаатлари, хавфсиз товар, иш ва хизматларни олишга бўлган ҳуқуқларини

рўёбга чиқаришга қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи жиноятнинг объектини ташкил қилади.

Қонун мазмунига кўра, ЖКнинг 186-моддаси диспозицияси ҳаволаки (бланкет) ҳисобланиб, шахсни мазкур модда билан жавобгарликка тортиш учун истеъ- молчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган то- вар, иш ва хизматларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва ўтказишга қаратилган айнан қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганлиги аниқланиши зарур.

Бирок, ишни кўришда биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судлари томонидан юқорида қайд этилган қонун талаблари ва Пленум қарори тушунти- ришларига риоя этилмаган.

Биринчи инстанция судида судланувчи Б.Сафаров айбига иқрорлик ва қилмишига пушаймонлик билдириб, бирор бир идорада рўйхатдан ўтмасдан, уй шароитида тамаки маҳсулотини қайта ишлаб, нос ишлаб чиқариб сотиш билан шуғулланиб келгани, уй шароитида дастгоҳлар ўрнатгани, тамаки хом ашёсини ўзига қарашли томорқада етиштириши ёки бошқалардан сотиб олиши ҳақида кўрсатувлар берган.

Гувоҳ Д.Тоғаев лаборатория таҳлили учун тақдим қилинган нос маҳсулоти тар- кибидаги оҳак, номаълум ўсимлик ёғлари ва тамаки кукуни бўлгани, ушбу носнинг таркибида оҳак моддасининг кўплиги сабабли оғиз бўшлиғи тўқималари, қон ва асаб томирларини захарлаши, таркибидаги номаълум ўсимлик ёғи қизилўнғач ва ошқозон яллиғланишига олиб келиши мумкинлиги сабабли истеъмомлга яроқсиз деб хулоса берганлигини, ҳозирги кунда нос маҳсулотларини истеъмом қилиш талабларини белгилаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли лаборатория таҳлилинини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва- зирлигининг 0283-10-сонли буйруғи билан тасдиқланган стандартларга асосан ўтказганини баён қилган.

Гувоҳ А.Ботиров Б.Сафаров солиқлар ва бошқа маҳаллий йиғимларни ўз вақтида тўлаб келганлигини, унинг уйда нос маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганини билмаганини баён қилган.

Гарчанд, Б.Сафаров судда айбига иқрорлик билдирган бўлса-да, жиноят иши материалларида унинг ушбу иқрорлик кўрсатувларидан ташқари, истеъмомчи- ларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигига жавоб бермайдиган нос маҳсулотини ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқарганлиги айбли қилмиш ҳисобланишини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Жумладан, суд Б.Сафаровни истеъмомчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсиз- лигига жавоб бермайдиган нос маҳсулотини ўтказиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқарганликда айбли деб топган бир ҳолатда мазкур жиноятнинг объектини тав- сифловчи ҳолатлар, яъни:

- носни корхона ёки маиший усулда тайёрлаш, ишлаб чиқариш жараёнларига нисбатан татбиқ этиладиган техник-технологик талаблар, стандартлар, идоравий

локал ҳужжатлар мавжудлиги;

- нос маҳсулоти сертификатлаштиришни талаб қилиши ёки қилмаслиги;
- носни маиший (хонаки) усулда тайёрлаш, ишлаб чиқаришга нисбатан татбиқ этиладиган санитария-гигиена, эпидемиология қоидалари, талаблар мавжудлиги;
- носни тайёрлаш, ишлаб чиқариш тадбиркорлик фаолияти, хунармандчилик (касанаичилик) турига кириш-кирмаслиги;
- ушбу фаолият турини амалга ошириш учун субъект рўйхатдан ўтиш-ўтмаслиги;
- ушбу фаолият тури билан юридик шахс ташкил этиб ёки ташкил этмасдан шуғулланиш мумкинлиги;
- нос маҳсулоти товар (маҳсулот) ҳисобланиши, уни ишлаб чиқариш ва ўтказиш билан шуғулланиш эса иш ёки хизмат турига кириши, ушбу маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган истеъмолга яроқсиз деб топилишига асос бўлувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган стандартлар ва талаблар мавжудлигини аниқлаш чораларини кўрмаган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги маълумотномасида Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда нос маҳсулотини корхона ёки маиший усулда ишлаб чиқариш, тайёрлашга оид хавфсизлик кўрсаткичларини баҳоловчи санитария қоида ва меъёрлари мавжуд эмаслиги баён қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 16 мартдаги маълумотномасида Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат фондида нос маҳсулотига талабларни ўрнатувчи меъёрий ҳужжатлар мавжуд эмаслиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 15 мартдаги маълумотномасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли Фармони билан тасдиқланган рўйхатга кўра, тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш товар, иш ёки хизмат тури сифатида қайд этилмагани, амалдаги қонун ҳужжатларида нос маҳсулотини ишлаб чиқаришга оид тартиб-қоидалар назарда тутилмагани қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида» 2013 йил 11 декабрдаги 20-сонли қарорининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 53-моддасининг биринчи қисмига кўра, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлилигини ва баб-баравар ҳуқуқий муҳофаза этилишини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши, мазкур конституциявий норма маъносидан келиб чиқиб, ҳар ким тадбиркорлик фаолияти ва қонун

билан тақиқланмаган бошқа иқтисодий фаолиятда ўз қобилияти ва мулкидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида тушунтириш берилган. ЖПКнинг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги белгиланган.

Б.Сафаров апелляция тартибида келтирган шикоятда кўп йиллардан буён уй шароитида нос маҳсулотини ишлаб чиқариб, сотиб тирикчилик қилиши, носга анъанавий тарзда ишлатилиб келинадиган табиий маҳсулотларни кўшиб тайёрлаши, носни ишлаб чиқаришни тақиқловчи талаблар мавжудлиги ҳақида ҳеч ким маълум қилмагани, нос ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни тақиқловчи талаблар мавжуд эмаслиги, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 2015 йил 19 декабрдаги хулосасида носнинг айнан қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра истеъмолга яроқсиз деб топилгани асослантирилгани ҳақида важлар келтирган.

Бироқ, апелляция инстанцияси суди Б.Сафаровнинг шикоятда келтирилган важларни тўла ва атрофлича текширмасдан, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чорасини кўрмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Бундай ҳолатда суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмайти.

ЖПКнинг 493-моддасида жиноят ишини назорат тартибида кўриб, суд ушбу Кодекснинг 83-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, шунингдек биринчи инстанция судида кўриб чиқилган далиллар судланувчини айбли деб топиш учун етарли бўлмаса ва қўшимча далиллар тўплаш имконияти қолмаган бўлса, айблов ҳукмини бекор қилиши ва жиноят ишини тугатиши мумкинлиги кўрсатилган.

Шу боис, судлов ҳайъати судланувчи Б.Сафаровга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича туман судининг 2016 йил 23 мартдаги ҳукми ва жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 28 апрелдаги ажримини бекор қилиб, Б.Сафаровнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ЖК 186-моддасининг биринчи қисми билан уни айбсиз деб топиб, ЖПК 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация қилишни лозим деб топиш тўғрисида қонуний хулосага келган ва Б.Сафаровнинг ўзига етказилган мулкий зиённи қоплаш ҳамда маънавий ва бошқа зиён оқибатларини ЖПКнинг 304–312-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этган.

**З. ИСМАТУЛЛАЕВ,**  
ҳуқуқшунос